Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 4 (1068) • 2016-yil, 22-yanvar, juma

## Биз кўзлаган чўққилар

### бундан-да юксак бўлади

**Муносабат**

**Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини тинглар эканман, шу муқаддас юрт фуқароси сифатида кўнглим яна бир бор фахрга тўлди. Ахир дунёда рўй бераётган молиявий инқироз шароитидаги қийинчиликларга қарамай, мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари сақланиб келаётгани, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, 2014 – 2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 – 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олиши ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта.**

Муҳтарам Президентимиз ўта оғир ва мураккаб вазиятда қўлга киритилган бундай ютуқ ва марралар, аввало, чуқур ва атрофлича ўйланган сиёсатнинг натижаси бўлиб, уларнинг замирида меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати мужассам эканини эътироф этганида, шу халқ вакили — депутат сифатида катта мамнуният ҳамда масъулиятни ҳис қилдим.

Йиғилишда 2015 йилда мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган ютуқлар чуқур таҳлил этилди. Энг муҳими, ислоҳотларимизнинг туб моҳияти фақат инсон манфаатлари учун эканлиги аҳолининг турмуш сифати ва фаровонлиги янада ошганлигида намоён бўлмоқда.

Айниқса, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга эътибор қаратиб келинаётгани натижасида аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этгани, ушбу натижа халқаро кўрсаткичлар даражасида дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча паст эканлиги барчамизни қувонтиради. Қолаверса, бу кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни мақсад қилган "Адолат" СДПнинг аҳолининг ўта бойлар ва камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймаслик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ устувор ғояларига мослиги билан биз учун аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, ўтган йилда ижтимоий соҳанинг бир қатор йўналишлари, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам дунё жамоатчилигининг ҳавасини келтирадиган қатор ютуқларга эришилдики, буларнинг бари узоқни кўзлаб амалга оширилаётган давлат дастурлари ҳамда мустаҳкам қонунчилик тизими яратилганининг самарасидир.

2➢



## Ҳуқуқий меъёрлардаги номутаносибликлар

### бартараф қилинмоқда



**Фракция йиғилиши**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.**

Депутатлар дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти нормаларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳада қуйи палата фаолиятини ташкиллаштириш, сиёсий партиялар фракциялари ролини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини ошириш каби йўналишларда бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Қарор лойиҳасида Спикер ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун Оқсоқоллар Кенгаши ўрнига сайловларда иштирок этган ҳар бир сиёсий партиядан камида уч нафар депутатдан иборат сиёсий партиялар вакиллари Кенгаши ташкил этилиши белгиланмоқда. Бунда Кенгаш йиғилишида сайлов натижаларига кўра палатада кўпчилик ўринни эгаллаган партия вакили раислик қилади.

Шу билан бирга, Спикер ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масалани Қонунчилик палатаси Спикери томонидан киритиш ҳуқуқи номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар фракцияларига берилиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари фикрларини ҳисобга олиш мажбурияти, шунингдек, Давлат бюджети ижроси юзасидан ҳисоботни сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилиниши мустаҳкамланаётгани ҳам аҳамиятлидир.

Парламентдаги мухолифат сиёсий партия фракцияси айни бир масала бўйича ўзининг муқобил таҳририни қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда кўриб чиқилишига қадар киритиши тартиби аниқлаштирилмоқда.

Олий Мажлис қўмиталари ҳузурида тегишли соҳаларда муайян тажрибага эга бўлган давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳлари тузиш тартибга солинмоқда.

Қонун лойиҳаларини заруратга кўра палатанинг расмий сайтида жойлаштириш ҳамда ОАВда чоп этиш мумкинлиги қоидалари мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳада Олий Мажлис палаталарининг назорат қилиш функциялари механизмларини аниқлаштириш, парламент ҳамда депутат сўровининг бир-биридан фарқини ажратишга қаратилган нормалар мустаҳкамланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори яқиндагина қонунчилигимизга киритилган тузатишларга мувофиқлаштирилаётгани билан қонунчилигимиздаги тушунмовчиликларнинг олдини олишга, қонун ва қонуности ҳужжатлари нормаларининг бир хил тушунилишини таъминлашга хизмат қилади.

Кун тартибидаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

3➢



## "Гулистон"га меҳрим бошқача..."

**Маҳалла ҳаёти**

**Бугунги кунда юртимизда маҳалла институти шаклланиб, жамиятимизнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Ўзининг яхши анъаналари, ибратли ишлари билан юрт истиқболи, Ватан равнақига хизмат қилиб келаётган маҳаллалар эл тинчлиги ва осойишталиги, оилалар фаровонлиги, фуқаролар тотувлигини таъминлашда фаоллик кўрсатмоқда. Ҳозир қай бир маҳаллада бўлманг, шу мақсад йўлида фаолларнинг маҳалла аҳли билан яқиндан иш олиб бориб, элга елкадош бўлаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари ҳам шундай саъй-ҳаракатлари билан кўпчиликнинг меҳрига сазовор бўлмоқда.**

3➢

## Қонуннинг шакли эмас, мазмуни муҳим

**"Адолат" СДП фракциясининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юзасидан позицияси шундай**

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришга қаратилган. Шу боис сўнгги йилларда хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор пировард натижада барқарор иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда.**

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги роли ҳам ошиб бормоқда. Шу маънода 1996 йилда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, бизнесдаги самарадорлик ва натижаларнинг ҳақиқий аҳволини ўз вақтида баҳолаб боришни таъминлашга хизмат қилиб келаётир.

Бироқ, ўтган йигирма йил мобайнида миллий иқтисодиётимизда юз берган таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектлар тури ва сони ошиб бораётгани ҳамда соҳага жорий этилаётган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши мазкур қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун лойиҳаси ўтган йиллар давомида қонунчиликда бўлган ўзгартишлар билан мувофиқлаштиришга қаратилган алоҳида моддаларни қайта кўриб чиқиш, қонундаги "оқ доғ"ларни бартараф этиш, янги ва аниқлаштирувчи нормаларни киритиш ҳамда халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимини янада ривожлантириш учун замонавий шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш борасида амалиётда синалган қоидалар, ёндашувлар ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳисобга олинган. Таклиф этилаётган меъёрлар ва тартибларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига мос келадиган бухгалтерия ҳисоби тизимининг янада такомиллашувини таъминлайди.

Мазкур ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш бўйича таклифлар тайёрланаётган айни пайтда Демократик кучлар блоки ҳамда мухолифат фракциялар ўртасида ўзаро тортишув ва мунозаралар келиб чиқмоқда.

3➢

**Бугунги сонда:**

**ЖИЗЗАХ ГИЛАМЛАРИ хорижда ҳам харидоргир**



5

**ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ «ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ» бугунги кун талабларига ҳамоҳанг**



6 7

**MY.GOV.UZ: қулай, тезкор ва ишончли**



7

# Биз кўзлаган чўққилар

## бундан-да юксак бўлади

Давоми. Бошланиши 1-бетда



**Алишер ШАДМАНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳамда жойларда болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилда Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда жами 860 дан ортиқ медални қўлга киритишга эришгани ҳам барчамизга ифтихор бағишлайди. Шу ўринда ўтган йили мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини бугунги кун талаблари даражасида мустаҳкамлаш мақсадида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилгани келгусида спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги муваффақиятлари салмоғини янада оширишга ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Йиғилишда 2016 йил ва истиқболга мўлжалланган режалар муҳокама этилиб, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар оширишдек улуғвор мақсадлар белгиландики, бу фақат ҳукуматга тегишли вазифа бўлиб қолмасдан, барчамиздан амалий саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришни, Ватанимиз тараққиёти йўлида ўз касб-коримиз, эгаллаган мутахассислигимиз доирасида янада кўпроқ ҳисса қўшишни талаб этади.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар жорий йилда ҳам эътиборимиз марказида бўлиши назарда тутилаётгани кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни мақсад қилган сиёсий куч сифатида "Адолат" СДП ташкилотлари ва депутатлик корпуси зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Бинобарин, 2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ, жумладан, таълим-тарбия соҳасига Давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади.

Бундан ташқари, Президентимиз яна бир бора ёшлар масаласига алоҳида тўхталар экан, фарзандларимизни иш билан таъминлаш масаласига, айниқса, қишлоқ жойларда бандлик муаммоси биз учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлардан қонунчилигимизга киритилган сўнгги янгиланишларга мувофиқ берилган ваколатлардан унумли фойдаланган ҳолда жойларда бандлик дастурининг ижроси, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг самарали сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, парламент сўрови, депутат сўрови асосида мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботини доимий эшитиб бориш талаб этилади.

**Мухтасар айтганда, жорий йилда қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиладиган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижроси, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка чуқур тушунтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш, биз — халқ вакиллари олдида турган энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.**




# Барқарор тараққиёт ва

## фаровон ҳаётимизга ишонч ортмоқда

**Муҳтарам Юртбошимизнинг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида эришилган улкан натижалар ва келгуси режалар барчамизни, шу жумладан, мени ҳам депутат сифатида олдимизга қўйилган вазифаларга масъулият билан ёндашишимизни, «Соғлом она ва бола йили»да халқимиз фаровонлиги ва соғлом ҳаётимиз кафолатини таъминловчи қатор қонун ҳужжатлари устида иш олиб боришимизни тақозо этади.**



**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Давлатимиз раҳбарининг нутқида таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлигига қарамай, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ҳамда чуқур таркибий ўзгартиришлар, хусусий мулк ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ҳар томонлама пухта Дастурнинг изчил ва тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ўсишининг барқарор ва юқори суръатларига ҳамда макроиқтисодий мувозанатга эришилди. Бу, албатта, «ўзбек модели» деб тан олинган ривожланиш стратегиясининг юқори самарадорлиги ва муваффақияти натижасидир, деб айтиш мумкин. Юртимиз халқаро миқёсда ўтказилаётган турли йўналишлардаги рейтингларда, тадқиқот сўровларида муносиб ўринларга эга бўлаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, 2015 йилда 158 та давлат орасида "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзудаги тадқиқот ишида Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Бу каби фахрланса арзийдиган мисолларни Юртбошимиз барча чиқишларида алоҳида эътироф этади.

2015 йил натижалари таҳлилини кузатар эканмиз, биргина таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш ва такомиллаштириш борасида ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этаётганлиги, бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўп эканлигини кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2015 йил май ойида қабул қилинган фармонига асосан олий таълим соҳасида олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилиниб, 15 та таянч олий ўқув юртида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил этилгани ва бунда 2 минг 700 га яқин ўқитувчи малака оширганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

«Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида ҳам айнан таълим-тарбия, аҳоли саломатлигини яхшилаш, илмий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий инновацияларни жорий этиш каби вазифалар юзасидан ҳам 2015 йилда амалга оширилган ишлар биз, депутатларнинг доимий эътиборимизда бўлиб, мунтазам назорат қилиб келинди. Айниқса, аҳоли бандлиги дастури ва бюджет ижросининг парламент ваколатлари доирасида доимий ўрганилиб, таҳлил қилиб борилиши бугун ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Халқимиз соғлиғини сақлаш мақсадида 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланганини Юртбошимиз амалий мисолларда кўрсатиб берди. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимиз мавжуд ҳал этилмаган муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътиборни қаратиб, ислоҳотларни давом эттириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялашнинг дастурий вазифаларига, шунингдек, унинг 2016 йилда энг муҳим устувор йўналишларига ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда "Электрон ҳукумат" тизимини яратишни тубдан тезлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси белгиланди.

Бу йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ушбу йил учун мўлжалланган мақсадлар ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, оила, оналик ва боликни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

**2016 йилда таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпайди. Бу, албатта, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, оналик ва болаликни мустаҳкамлаш, фарзандларимиз бахту камолини юксалтиришда муҳим қадам бўлади.**

# Бугуни обод, эртаси нурафшон

**Мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлар, жумладан, иқтисодиётнинг қон томири бўлган темир йўл соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг беқиёс самаралари барчамизга ғурур бағишлайди. Шулар қаторида энг янги ва йўловчилар учун ҳар томонлама қулай бўлган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электр поезди қатновининг йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.**




**Акмал БОБОЕВ, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати**

2015 йилда "Афросиёб" электр поездининг Қарши шаҳрига кириб келиши ва айни пайтда Тошкент — Қарши йўналиши бўйича одамларнинг узоғини яқин қилаётганлиги элимизни беҳад қувонтирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида Президентимиз таъкидлаганидек, "Бу Тошкент — Қарши йўналиши бўйича йўловчи ташиш сифати ва суръатини ошириш имконини бермоқда. Натижада пойтахтимиздан Қашқадарё вилоятига ва Қаршидан Тошкентга йўловчилар ташиш вақти икки баробар қисқарди".

Дарҳақиқат, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлиб бормоқда. Бунга нафақат йирик ва тарихий шаҳарларимиз мисолида, балки воҳамиз марказидаги улкан бунёдкорликлар мисолида ҳам яққол гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, ана шундай бунёдкорликлар натижасида 2030 йилга бориб, Қарши шаҳри нафақат серқуёш республикамизнинг, балки минтақамизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланади. Ҳозир ҳам Қарши шаҳрида бўлган кишининг бу ердаги улкан қурилиш ишларидан кўзи қувнаб, дили яйрайди. Қарши, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг замонавий қиёфа касб этиши, барчанинг ҳавасини келтирадиган даражага етиши кишини тўлқинлантиради, албатта. Бош режага мувофиқ, Қарши шаҳри ҳудуди 17 минг 700 гектарни ташкил этади, узунлиги 56 километр бўлган ҳалқа йўли қурилмоқда. Шаҳрисабзда эса яхлит тарихий меъморий мажмуа шакллантирилаяпти.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида шу йил воҳамизда барпо этилаётган Талимаржон иссиқлик электр станциясининг иккинчи навбатини ҳам ишга тушириш лозимлигини қайд этиб ўтди. Ушбу йирик иншоот қурилиб, иқтисодиёт тармоқларига электр энергияси етказиб беришни бошласа, вилоят иқтисодий тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун янги имконларни яратади, саноатда ва бошқа соҳаларда ҳам йирик ўсиш кўрсаткичларига эришилади. Шу билан бирга, айни кунларда Муборак газни қайта ишлаш заводида ҳам кенг қамровли технологик ишлар бажарилаётганини ҳам алоҳида тилга олиб ўтсак арзийди.

Ҳукумат мажлисида жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган улкан ютуқлар ҳақида сўз юритилиб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши, шаҳар, туман партия кенгашлари, 250 га яқин бошланғич партия ташкилоти фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги 70 нафар депутатларимиз иштирокида Юртбошимиз маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилиб, ҳозирда амалий ишларни бошлаб юбордик. Уюштирилаётган тадбирларда иқтисодиётнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакатни модернизациялашда иқтисодий ислоҳотларнинг аҳамияти кенг тушунтирилаяпти. Шу мақсадда партия фаоллари, депутатлар томонидан Қарши шаҳридаги муҳандислик-иқтисодиёт институти, тиббиёт коллежи, 1-сонли вилоят шифохонасида, Миришкор, Касби, Косон, Китоб ва Қамаши туманларида ўтказилган тадбирларда депутатлар билан биргаликда сиёсатчилар, иқтисодчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштироки таъминланаётгани яхши самара бераяпти. Қувонарлиси, самимий мулоқотларда фуқароларнинг мамлакатимиз ва ҳар бир ҳудудда амалга оширилаётган ўзгаришларга фаол муносабатда эканлиги намоён бўлмоқда.

# Ватан ҳимояси — *муқаддас бурч*

**Ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги, халқнинг эрки унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари томонидан ҳимоя қилиниши керак. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қила олмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади.**



**Қодир ЖЎРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда замонавий миллий армияни ташкил этиш бўйича улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди. Бугунги кунга келиб ана шу ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Буни миллий армиямиздаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув тамомила ўзгарганида яққол кўришимиз мумкин.

Бугун армияда хизмат қилишнинг нуфузи жуда баланд. Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш, нафақат фахрли бурч, балки чинакамига юксак шон-шарафга айланди. Барча ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгач, унинг Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишини ният қилишади. Чунки замонавий жанговар техник қуролларни мукаммал эгаллаган йигитларимиз миллатнинг, юртнинг ифтихори бўлишаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади. Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ушбу тинчликсевар, илғор норма Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси мудофаа характерига эга бўлса, мамлакатимиз Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Шу билан бирга, халқаро ва минтақавий муаммоларни, улар қанчалик чигал бўлмасин, тинч йўл билан, сиёсий музокаралар орқали ҳал қилиш йўлидан бориш, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиб кетиш каби Ўзбекистоннинг принципиал позицияси ҳам мазкур Концепцияда ўз ифодасини топди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш йўлида яқин ва ўрта истиқболдаги олдимизда турган бир қатор стратегик вазифалар бирма-бир санаб ўтилди. Хусусан, минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба беришнинг ўта муҳимлиги табрик сўзида алоҳида қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, табрикда санаб ўтилган вазифалар нафақат Қуролли Кучларимиз олдига, балки биз — депутатлик корпуси зиммасига ҳам алоҳида масъулиятли вазифаларни юклайди. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган, инсон онги ва қалби учун кураш кескинлашаётган ҳозирги шароитда ёшларимизни турли ёт ғоялардан асраш йўлида барча саъй-ҳаракатларимизни сафарбар қилишимиз, вояга етиб келаётган ёш авлод онгу шуурида Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш ишига янада кўпроқ кўмаклашишимиз, хусусан, бу борада амалга оширилаётган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини оширишга бирламчи вазифа сифатида эътибор қаратишимиз лозим.

Шу билан бирга, биз депутатлар, аҳоли ўртасида Ҳарбий доктринамиз мудофаа характерига эга эканини, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилганини кенг тарғиб қилишимиз, мамлакатимиз раҳбариятининг минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида илгари сураётган таклиф ва ташаббусларини кенг тушунтиришимиз ва уларнинг ижроси йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир.

# Қонуннинг шакли эмас, *мазмуни муҳим*

**"Адолат" СДП фракциясининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юзасидан позицияси шундай**

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Қонунчилик палатасида кўпчиликни ташкил этувчи Демократик кучлар блоки аъзолари ўзларининг йиғилиши ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишни таклиф этмоқда. Аммо 2015 йилда ўзини мухолифат деб эълон қилган Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг позицияси ва нуқтаи назари Демократик кучлар блокининг ушбу қарорига мутаносиб эмас. Бизнинг фикримизча, Демократик кучлар блоки мазкур масалага бироз юзаки ёндашмоқда. Яъни, бу принципиал аҳамиятга эга эмас, қонун лойиҳасини янги таҳрирда қабул қилиш масаланинг техник жиҳати холос.

Тўғри, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси масъуллигида қонун лойиҳасига ишчи гуруҳи, экспертлар ва олимлар, сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлари вакиллари томонидан қонун лойиҳасининг тузилиши, унда қўлланилган атамалар, қатор нормалар ва моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар берилди. Бироқ, бу ҳали қонун лойиҳасини янги таҳрирда қабул қилишга етарлича асос бўла олмайди.

Бизнинг фракциямиз қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига янада чуқурроқ эътибор қаратиш, унинг ишлаш механизмларини кучайтириш, ундаги нормаларнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан номувофиқлигини бартараф қилиш, ҳаволаки нормаларни қисқартириш ва тўғридан-тўғри ишлашини таъминлашга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайди.

Жумладан, фракциямиз йиғилишида қонун ташаббусига эга субъект томонидан таклиф этилган бухгалтерия ҳисоби объектлари, шунингдек, ички назоратни ташкил этиш ва амалга оширишга оид янги нормалар диққат марказимизда бўлди.

Шу ўринда Демократик кучлар блоки томонидан киритилаётган таклиф асосида қонун лойиҳасига бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарининг ҳуқуқлари сирасига бухгалтерия ҳисоби юритишни ихтисослаштирилган ташкилот зиммасига шартнома шартлари асосида юклаш белгиланмоқда. Албатта, ушбу таклифга қўшилган ҳолда биз "ихтисослаштирилган ташкилот" тушунчасига аниқлик киритиш, унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш зарурлигини илгари сурмоқдамиз. Ҳолбуки, агар қонунда ихтисослаштирилган ташкилот қандай ҳуқуқий асосларга таяниб иш юритади, уларнинг фаолияти учун лицензия талаб этиладими каби саволларга аниқлик киритилмаса, қонунда яна "оқ доғ"лар пайдо бўлиши, амалиётда кўпгина тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Қолаверса, қонун лойиҳасида бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг молия-хўжалик фаолиятидаги йўл қўйилган қонунбузилишлар учун жавобгарлик масаласини ҳам узил-кесил ҳал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Чунки корхона ёки ташкилот раҳбари бухгалтерия ҳисоби бўйича махсус билим ва малакага эга бўлмаслиги, амалга оширилаётган барча операцияларнинг ҳам оқибатларини тўғри англай билмаслиги мумкин. Қолаверса, бу борада бухгалтерни масъулиятдан соқит қилиш айрим ҳолларда ижрога киритилаётган бухгалтерлик ҳужжатларини тайёрлашда юзаки ёндашиш ёки жавобгарликни тўғридан-тўғри ҳис қилмасликка сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, корхона раҳбарининг бухгалтерия хизмати раҳбари билан бир хилда жавобгар бўлиши асослимикан, деган савол туғилади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида белгиланган хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботини эълон қилиш тартибини ҳам бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш зарур. Хусусан, партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботини уларнинг расмий веб-сайтлари ҳамда матбуот нашрларида эълон қилиш тартибини ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Фракциямиз аъзолари таклиф этилаётган ҳужжат умумий жиҳатдан "Адолат" СДП дастурий мақсадларига мос эканлигини эътироф этиб, қонун лойиҳасини фракциямиз томонидан билдирилган тавсияларни инобатга олган ҳолда қонунчилик субъекти томонидан киритилган таҳририни қўллаб-қувватлайди.**

**Зафар СУЛТОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

# Ҳуқуқий меъёрлардаги номутаносибликлар *бартараф қилинмоқда*

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Мазкур қонун лойиҳаси "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонунга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига, Фуқаролик процессуал кодексига, Оила кодексига, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга чет эл фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш тартиби ва шартлари, фарзандликка олишни бекор қилиш асослари ва оқибатлари, фарзандликка олиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

**Ўткир ХОЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддасида фарзандликка олишнинг тартиб-қоидалари мустаҳкамланган бўлса-да, миллий қонунчиликда чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тартиби белгиланмаган, шунингдек, ушбу масалада қонунга риоя этилишини назорат қилиш механизми мавжуд эмас.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, айни вақтда фуқаролик судларига чет эл фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш бўйича 20 та мурожаат келиб тушган ва бу борада қонунчилигимиздаги бўшлиқ туфайли амалиётда таклиф этилаётган қонун лойиҳасини қабул қилиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиқиб, хорижий тажриба ўрганилган ҳолда қонун лойиҳасида Оила кодексига Халқ таълими вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан бериладиган фарзандликка олиш рухсатномасини олгандан сўнг чет эл фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш имконини беришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда. Бунда фарзандликка олишга чет эл фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олувчи боланинг қариндоши бўлса ёки Ўзбе-



кистон Республикасида доимий яшовчи болани ҳар хил белгилар бўйича фарзандликка олувчининг хоҳишига номувофиқлиги туфайли икки йил давомида фарзандликка олишга имкон бўлмагандагина йўл қўйилади. Шунингдек, фарзандликка олиш бекор қилинганда боланинг хорижий давлатга қайтарилиши ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугалланиши, давлат томонидан болани қабул қилиш рад этилганда эса уни фарзандликка олувчи ҳисобидан вояга етгунига қадар таъминлаш мажбурияти ўрнатилмоқда.

Шу билан бирга, чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳамда судга тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар, фарзандликка олиш рухсатномаси мавжуд бўлмаганда чет элда фарзандликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришига тақиқ белгиланмоқда.

Фракциядошларимиз фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши чет эл фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш устидан давлат назоратини ўрнатиш ҳамда бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтарадиган "Адолат" СДП дастурий мақсадларига тўла мос келади. Шулардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси фракциямиз томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Бундан ташқари, йиғилишда тезкор-қидирув фаолияти масалаларининг айрим жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд бўшлиқлар ва номутаносибликларни бартараф этишни назарда тутувчи "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

**Умид СУЛАЙМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2012 йилда қабул қилинган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг амалиётда қўлланилиши уни янада такомиллаштириш ҳамда амалдаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан уйғунлаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, мазкур қонун билан тезкор-қидирув соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган бўлиб, бу муносабатлар устидан назоратни амалга ошириш прокурорлар зиммасига юклатилган. Шундан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексининг 33 ва 34-моддаларига тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор томонидан назорат олиб боришни белгиловчи қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек, қонунларда қўлланилган юридик атамаларни бирхиллаштириш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалдаги қонунчиликда мавжуд бўшлиқлар ва номутаносибликларни бартараф этиши, тезкор-қидирув тадбирлари турларининг тушунчасини аниқлаштириш орқали қонуннинг бир хил шарҳланиши ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қонунчиликнинг тўғри қўлланилишини таъминлаши билан партиямиз дастурий ғоя ва мақсадларига ҳамоҳангдир.

Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳалари юзасидан депутатларнинг партия позициясидан келиб чиқувчи таклиф, мулоҳазалари билдирилди ва фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Илёс САХАТОВ,**
**«Adolat» мухбири**

# "Гулистон"га меҳрим бошқача..."

Давоми. Боши 1-бетда

Маҳалла идорасида ҳар куни эрталабданоқ ҳаёт қайнайди. Бу ерга турли юмуш билан келган фуқаролар тегишли комиссиялар раисларига учрашиб, ўз масалаларига ечим топишади. Маҳаллани кўп йиллардан буён бошқариб келаётган тажрибали оқсоқол Баҳодир Ишонхонов ўз фаолиятида фуқаролар қабулига алоҳида эътибор қаратади. Маҳалладошлар билан обдон гаплашиб, уларнинг кўнглига қулоқ тутади. Маҳалла фуқаролар йиғинига кимнинг қандай масала ва нима мақсадда келганлигини аниқлаб, уларга йўл-йўриқ кўрсатади, амалий ёрдам беради. Қабул жараёнида қилинган мурожаатларга сабаб бўлган масалалар тегишли комиссиялар томонидан ўрганиб чиқилиб, мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этилади ва ҳал қилинади. Маҳалланинг синчков нигоҳидан бирор муаммо четда қолмайди. Ҳудуднинг озодалиги ва тозалигидан тортиб, ободонлаштириш ишлари дейсизми, хонадонларни иситиш масалаларими, тадбиркорликни йўлга қўйиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш билан боғлиқ барча ишларни уддалашга маҳалланинг жонкуяр, фидойи фаоллари имконият топишади.

Ахир "Гулистон"да 5 минг 695 нафар аҳоли, 2 минг 226 та оила 5 та 9 қаватли, 29 та 4 қаватли уйда, 1470 та хонадонда умргузаронлик қилади. Уларнинг бири бўлмаса бошқаси кунора бирон-бир муаммога тўқнаш келиб, маҳалла идорасига боради. Бу ердагиларнинг ёрдамидан умид қилади. Шу тарзда маҳалланинг хайрли юмушлари кундан-кунга кўпайиб бораверади. Қишда чакки ўтган томни таъмирлатиш, хонадонларни иситиш, коммунал тўловлардаги қарздорликни камайтириш, гапи чиқишмай қолган қўшниларни бамаслаҳат яраштириш, қайнона-келин муносабатларини изга солиш, ички йўлларни тартибга келтириш, мактаб ва лицей ўқувчилари давоматини назорат қилишда кўмаклашиш каби бир-биридан долзарб масалалар ўз ечимини топиб бораверади. Зеро, маҳалланинг таъсирчан кучи ҳам эл ишига камарбаста бўлишдадир. Хўш, бу борада маҳалла нималарга эришмоқда? Қандай яхши ишлари билан маҳалладошлар кунига яраяпти?

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Жаннат Муродованинг айтишича, маҳалла фуқаролар йиғини "гулистон"ликларнинг яқин таянчи ва суянчига айланган. Бу ерда бирор оила йўққи, маҳалла фаоллари кириб бормаган, улар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган бўлса. Кимнинг қандай яшашидан тортиб, феъл-атворигача яхши биладиган маҳалла мутахассислари кўпчиликнинг кўнглига йўл топа олади, маҳалладошлар билан яқиндан ишлайди. Маҳалла ҳаёти билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал қилишади.

— "Гулистон"га меҳрим бошқача, — дейди маҳалладаги 59-уйнинг 35-хонадонида яшовчи Мадина Азизова. — Мен шу ерда камолга етдим. Маҳаллада қарор топган анъана ва удумлар тарбиямда катта роль ўйнади. Маънавий қадриятларимиз бешигига айланган маҳалламиз элимизга яқинлиги ва ҳамнафаслиги билан ажралиб туради. Унинг фаолиятида, айниқса, ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бизни қувонтиради.



Маҳалланинг фаол ёшларидан ҳисобланган Мадина Азизова ўтган йили Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битириб, шу таълим даргоҳида амалиёт ўқитувчиси бўлиб ишда қолди. Ўз касбига меҳр қўйган ёш мураббий бугун коллеж ўқувчиларини маҳоратли касб эгалари бўлиб етишишга ўргатмоқда. Шу маҳалла ёшларидан Нодира Ҳожиакбарова, Камола Фозилова, Шаҳло Йўлдошевалар эса шаҳардаги тиббиёт коллежларини муваффақиятли тугаллаб, соғлиқни сақлаш муассасаларига ишга жойлашиб, ҳамшира бўлиб ишламоқдалар.

Ёш мутахассис Аҳмаджон Рихсиев маҳалланинг беғараз ёрдамидан бир умр мамнун. Ўтган йили Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежини битирган бу йигит тўғри маҳалла мутасаддиларига келиб учрашди ва уларнинг кўмаги билан уйига яқин жойдаги "Just plastik" МЧЖда иш фаолиятини бошлади. Қатор ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ва туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан олиб борилган ишлар натижасида ўтган йили маҳаллада 55 нафар фуқаро турли ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Ҳудудда Тошкент давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи, 280-умумтаълим мактаби, 246 ва 538-мактабгача таълим муассасалари жойлашган. МФЙ хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси Светлана Базанджи вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси раиси Умиджон Мирзаев, профилактика инспектори Ўткир Юлдошевлар бу муассасаларга тез-тез келиб туришади. Таълим масканлари жамоалари билан мулоқотда бўлиб, ўқувчилар билан яқиндан ишлашади. Янги авлод вакилларини турли нохуш иллатлардан сақлаш, ахборот хуружларидан эҳтиёт қилиш, айрим ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари учун огоҳ бўлишга, бугунги тинч-осойишта ҳаётнинг қадрига етишга, Ватанни севишга, бунёдкор халқимизни улуғлашга, аждодларга муносиб авлод бўлишга чорлаб, қизиқарли суҳбатлар ўтказишади, маърузалар қилишади. Ёшларни тўғри йўлга бошлайдилар.

— Биз ёшлар билан яқиндан ишлаб, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтираяпмиз, — дейди ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи инглиз тили ўқитувчиси, "Камолот" етакчиси Роза Жумабекова. — "Камолот"нинг бир-биридан долзарб хилма-хил тадбирларида маҳалла мутасаддилари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Бу тадбирлар ёшлар онгида катта ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Улар чуқур билим эгаллаб, эртанги кунимизнинг муносиб эгалари бўлиб етишмоқдалар. Умархон Отажонов, Булат Кадряев, Азиз Меликулов, Бобур Тўхтамуродов, Алина Борисова, Александра Кан, Севара Ёқубова сингари фаол ёшларимиз бугун тенгдошларига намуна бўлиб, ўқиш ва спортдаги эришаётган ютуқлари билан устозлари ишончини оқлашмоқда.

Маҳалла аҳли, айниқса, ёшлари ҳам спортни яхши кўради. Бугун "Гулистон"да спортнинг қатор турлари ривожланмоқда. Ушу бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Дилшод Бозоров, "Пахтакор" футбол командаси ёш аъзоси Саидаброр Насриддинов, ўзбек жанг санъати бўйича жаҳон чемпиони, қора белбоғ соҳибаси Зуҳра Умрзоқова каби спортчилар сафи янги, маҳоратли ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Маҳаллада жамоатчилик асосида фаолият юритаётган бешта сектор аъзолари оилага кириб бориш, таълим-тарбияни кучайтириш, ҳудудда жиноятчилик профилактикаси, маҳалладошларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари билан шуғулланмоқда.

Маҳалла фаолларининг ибратли ишлари кўп. Оилалар аҳиллигини таъминлашдан тортиб, тўйлар ва бошқа маросимларни камхарж, исрофгарчиликларсиз ўтказишга, айниқса, эътибор билан қарамоқдалар. Шу билан бирга, "Соғлом она ва бола йили"да 38-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Дилфуза Ҳакимова, тажрибали шифокорлар Раҳима Мансурова, Наргиза Ҳасанова, Феруза Қосимова, Шоира Расуловалар қўли енгил ҳамширалар Гулнора Маҳкамова, Дилбар Избосарова, Лазокат Нуриддинова, Дилноза Тўйчиева, Ҳамида Юсуповалар маҳалла юмушларига бош қўшиб, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга қаратилган барча амалий-ташкилий ишларни пухта йўлга қўймоқдалар.

Маҳаллани бежиз ҳамжиҳатлик қўрғони деб айтишмайди. Ҳамжиҳатлик бор жойда барака бўлади, иш унади. Бугун "Гулистон"ни обод бўстонга айлантираётган маҳалла фидойиларининг амалий натижалари буни яққол кўрсатиб турибди.

**Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Adolat» мухбири**

# Саъй-ҳаракатларимиз замирида

## эзгу мақсадлар мужассам

**➢БПТ — партия таянчи**

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригини қайта-қайта ўқир эканман, барча соҳаларда эришилган, дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган ютуқларимиздан қалбим фахр-ифтихор туйғуларига тўлди. Истиқлол йилларида юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш бўйича давлат миқёсида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, кенг кўламли дастурлар ижросининг ижобий натижалари йилдан-йилга ортмоқда. Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.**



Биргина соғлиқни сақлаш тизимида ҳозирги кунда кўплаб ихтисослашган шифохоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Биз фаолият юритаётган Қашқадарё вилояти "Она ва бола" скрининг маркази 2000 йилда ташкил этилган, унинг моддий-техник базаси йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида, аввало, кенг тарғибот ишлари олиб борилди. Ўтган беш йил давомида марказимизда 10 мингдан ортиқ она ва болалар соғломлаштирилди.

Шунингдек, марказимиз томонидан "Соғлом она — соғлом бола" миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирлар янада кучайтирилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизими такомиллашди. Соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан тарғибот ишлари анча жадаллашди.

Ўтган йили марказимиз тиббиёт ходимлари аҳолига ҳар томонлама замон талаби даражасида хизмат кўрсатишлари учун Қарши шаҳрининг "Ўзбекистон" кўчасидан барча қулайликларга эга бўлган янги бино ажратиб берилгани ва энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги ишларимизни янада ривожлантириш имконини кенгайтирди.

Айни пайтда оналар ва болалар касалликларини эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш учун марказимизда 10 нафардан ортиқ малакали шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқда. Марказимиз томонидан аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида ҳам кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада шаҳар, туманлар хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар, "Адолат" СДП вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Саломатлик марказлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бораётганимиз яхши самара беряпти. Вақтинча ишламаётган ёшлар онгида соғлом оила муҳитига тайёргарлик туйғусини уйғотиш, уларда тиббий, ҳуқуқий билим ва кўникмалар ҳосил этиш учун Саломатлик марказлари қошида қисқа муддатли, амалиётга асосланган ўқув курслари ташкил этиш чора-тадбирларига ҳам киришдик. Бундан ташқари, шу кеча-кундузда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Қарши, Чироқчи, Косон туманларида ҳамда вилоятимиз марказидаги корхона, ташкилотларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз фаолиятида хотин-қизларга мамлакат ривожидаги салмоқли кучлардан бири сифатида қараб келмоқда ва бу ҳақда партиянинг Сайловолди дастурида аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасидаги масалалар аниқ белгилаб берилган. Биз олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия сафида аёллар сонини кўпайтириш, илғор фикрли хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш чораларини кўраяпмиз. Бундан ташқари, ҳозир хотин-қизларнинг умумий савиясини, интеллектуал салоҳиятини ошириш учун ҳудудлардаги таълим масканлари билан "Аёллар қаноти"нинг ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйганмиз. Бундан кўзланган мақсадимиз хотин-қизлар муаммоларини батафсил ўрганиш, таҳлил қилиш асосида зарур хулосалар чиқариш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишдан иборат. Ушбу ишларни бекаму кўст адо этишда бизга партиямиз фаоллари Зиёда Обяқулова, Мақсуда Латипова, Гулбаҳор Мўминова каби сафдошларимиз яқиндан ёрдам беришмоқда.

Бошланғич партия ташкилотимизда 35 нафар маслакдошларимиз бирлашган. Хайрихоҳларимиз эса 60 нафардан зиёд. Биз шу йилнинг ўзида аъзоларимиз сонини икки бараварга кўпайтириш чораларини кўришга интилмоқдамиз. Фаолларимиз ёшлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиб, ўтган йилда Қарши тиббиёт коллежи битирувчиларидан 10 нафарини тиббиёт муассасаларига ишга жойлашишида амалий ёрдам кўрсатишди. Бошланғич партия ташкилотимиз БПТларнинг 2015 йилги фаолият якунларига кўра, Қарши шаҳридаги 46 та БПТ орасида энг намунали бошланғич партия ташкилоти, дея эътироф этилганлиги бизни янада ташаббускорлик билан ишлашга ундамоқда.

Жорий йилда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида ҳам бир қатор вазифаларни қатъий режалаштириб олдик. Эндиликда қабул қилинажак "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросида фаол иштирок этишни мақсад қилганмиз.

**Зебо АШУРОВА,**
**Қашқадарё вилояти "Она ва бола" скрининг маркази қошидаги БПТ раиси**

СДП хабарлари

**➢Депутат ёшлар ҳузурида**

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши ташкилотчилигида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Умид Сулаймонов иштирокида "Депутат ва ёшлар учрашуви" тадбири ўтказилди. Партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда филиалнинг ўқитувчи ва талабалари, партия фаоллари қатнашдилар.

# Мафкуравий иммунитет мустаҳкамлиги

## жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради

Учрашувда мазкур филиалнинг директор ўринбосари Б.Толипов, вилоят партия кенгаши раиси Н.Суярқулов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умид Сулаймоновлар ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, глобаллашув даврида уларнинг мафкуравий иммунитети мустаҳкам шаклланган бўлиши, замонавий билимларни пухта билишлари, қонунчиликдаги янгиланишлардан хабардорлигининг аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. Юрт тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асл моҳиятини амалий мисоллар орқали тушунтириб беришди.



У.Сулаймоновнинг ёшлар билан очиқ мулоқоти, қизиқарли савол-жавоблар барчанинг эътиборини жалб қилди. Хусусан, талабалар Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг бугунги кундаги фаолияти, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун ижроси самаралари, партия томонидан ахборот технологиялари соҳасида ёш ихтирочиларнинг қўллаб-қувватланиши ҳақида фикрлашдилар. Талабалар бундай самимий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш, университет ёшлари билан долзарб мавзуларда видеоконференциялар олиб бориш таклифларини билдиришди. У.Сулаймонов талаба-ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, эндиликда бу борада ушбу таълим даргоҳи билан ҳамкорликда ишлашини, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ҳозир эканлигини айтиб ўтди. Мулоқот давомида депутат ёшларнинг сиёсий фаолликларини янада ошириш мақсадида улар билан партиялар фаолиятига оид савол-жавоблар ўтказиб, талабаларнинг сиёсий билимларини юқори баҳолади.

Талабалар очиқ мулоқот орқали қонунчилигимиздаги янгиликлар хусусида ҳам маълумотларга эга бўлдилар.

**Комила ИСРОИЛОВА,**
**Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

**ДИҚҚАТ: ЭЪЛОН**

## "Онлайн депутат" — янги кўринишда!

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясиниг расмий веб-сайти — www.adolat.uz даги "Онлайн депутат" интерактив хизмати фуқаролар мурожаатларини депутатларга етказишни йўлга қўйиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида ушбу интерактив хизмат ўзининг фойдали эканлигини кўрсатди. Бу хизмат орқали фуқароларнинг депутатларга бўлган ишончи ортди, улар томонидан юборилаётган мурожаатлар атрофлича ўрганилиб, аксарияти ўз ечимини топиб келмоқда.**

**Эндиликда ушбу хизматни янада шакллантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида уни янгича кўринишда тақдим этмоқдамиз. Унга кўра, бир депутат билан 10 кун давомида аҳолидан келаётган мурожаатларни қабул қилиб, ечимини топишга ҳаракат қиламиз. Муддат тугагач, навбатдаги депутатимиз ушбу ўринни эгаллайди.**

**Лойиҳанинг илк иштирокчилари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия фракцияси раҳбари Наримон Умаров ҳамда Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Халиджон Камилов.**

**Марҳамат, ўзингизни қизиқтираётган саволлар, шикоят ва таклифларингиз билан депутатларимизга мурожаат қилинг!**

**Дурдона АЛИМОВА,**
**лойиҳа координатори**

# Ёш болали оналарга совғалар

**➢2016 йил — Соғлом она ва бола йили**

**"Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади" мавзусида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят партия кенгаши ташаббуси билан вилоят туманларида "Соғлом она ва бола йили"га бағишлаб бир-биридан қизиқарли хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда она ва бола саломатлигини сақлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг туб моҳияти, "Адолат" СДПнинг шу мақсадга йўналтирилган вазифалари тарғиб этилмоқда.**

Янгийўл туманидаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапова, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Равшан Талипов, раис ўринбосари Азиза Қурбонова, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Умид Шоумаров, Янгийўл тумани ҳокими Равшан Норбўтаев, туман партия кенгаши раиси Қимматхон Маматқуловалар иштирок этиб, тадбир қатнашчиларига оилалар қувончи бўлган болалар соғлиғини таъминлаш, аввало, уларни дунёга келтираётган соғлом оналарга боғлиқ эканлиги, шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимизда она ва болага катта эътибор қаратилиб, уларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир бир қатор қонун ҳужжатлари амалиётга изчил татбиқ этилаётганини таъкидладилар.





2016 йилнинг мамалакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани эса ушбу соҳадаги эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон — оналари бахтли, болалари соғлом мамлакатга айланиб боряпти. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг она ва бола саломатлигини муҳофаза этишни янада такомиллаштиришга қаратилган ишлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Шу мақсадда 2009 йилдан буён вазирлик ва ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигида Европа Иттифоқи лойиҳаси доирасида 11 минг нафардан зиёд мутахассислар ўқитилиб, малака ва тажрибаси оширилганлиги, айниқса, муҳим иш бўлди. Она ва бола соғлиғини сақлашда янгича ёндашув ва омиллар юзага келди.

Пойтахт вилояти партия кенгашининг хайрия тадбирлари Чирчиқ шаҳри, Зангиота, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон туманларида ҳам бўлиб ўтди. Улар ёш оналарда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир тадбирда унда иштирок этган юз нафардан зиёд ёш болали оналарга ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

**Сарвиноз РЎЗИМУРОДОВА,**
**Тошкент вилоят кенгаши матбуот котиби**

# "ШУНҚОРЛАР"

## мусобақаси ўтказилди

**Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежининг катта спорт майдонида Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг маънавият ва спорт бўлими ҳамкорлигида "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақаси ўтказилди.**

Мусобақада коллежнинг 200 дан зиёд ўқувчилари "Темурийлар", "Соҳибқирон", "Қалқон" номли жамоаларга бўлинган ҳолда "Таништириш", "Турникда тортилиш", "100 метрга югуриш", "Граната улоқтириш", "Савол-жавоб", "16 килограммлик тош кўтариш", "Қўл кучини синаш", "Арқон тортиш", "Эркин мавзу" каби шартларда ўзаро куч синашдилар.

Қизғин кечган беллашувларнинг "Таништириш" шартида иштирокчилар ўз жамоаларининг номи, шиори ва рамзи мазмунини бадиий тарзда ифодалаш билан бирга сафда юриш тайёргарлиги, саф қўшиғи, жамоанинг формасини намойиш этишди. Турникда тортилиш, югуриш, граната улоқтириш, тош кўтариш, қўл кучини синашга доир шартларда ёшлар куч-маҳоратларини кўрсатишган бўлса, 5-шартда ҳарбий таълим борасидаги билимларини синовдан ўтказишди. Шунингдек, ўқувчилар миллий спорт ўйинларидан бўлган арқон тортиш мусобақасини ўзгача завқ билан бажаришди. "Эркин мавзу" шартида жамоалар бугунги глобаллашув даврининг долзарб муаммоларидан бўлган диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик ва наркотик моддалар савдоси, одам савдосига қарши кураш масалаларини ёритувчи саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Мусобақа якунларига кўра, "Қалқон" жамоаси 1-ўринни эгаллаб, 1-даражали диплом ва кубок соҳиби бўлди. "Соҳибқирон", "Темурийлар" жамоалари 2, 3-ўринларга сазовор бўлиб, диплом билан тақдирланишди. "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақасининг "Энг фаол иштирокчиси" номинациясига Суҳробжон Тешаев, "Энг яхши жамоа сардори" номинациясига Азизбек Норовлар лойиқ топилди ва уларга Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари берилди.

Иштирокчилар барчага кўтаринки кайфият бағишлаган мазкур тадбир ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

**Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,**
**Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби**

# ЭНГ БУЮК ЎЗГАРИШ

**➢ Эътироф**

**Тараққиёт – кенг тушунча. У мамлакатдаги тинчлик-тотувликни, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, халқнинг фаровон турмушини ифодалайди. Унинг замирида одамларнинг онгу тафаккуридаги юксалиш ҳам мужассам. Бинобарин, ҳаётга, Ватан тақдирига, меҳнатга муносабат ўзгармас экан, бирон-бир жабҳада ривожланиш бўлиши қийин.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз барча жабҳада изчил тараққий этмоқда.

### ЯРАТИШ – ТАФАККУР ВА МЕҲНАТ ҲОСИЛАСИ

Мустақиллик йилларида янги замон одами шаклланди. Юртдошларимиз ўз уйини обод қилишу дастурхонини тўкин этиш ўзига боғлиқ эканини, бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли эканини англаб етди. Бошқача айтганда, "берсанг ейман" тарзидаги қарашлар ўрнига "ҳаракатда — баракат", "интилганга толе ёр" деган тамойиллар ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда.

...Қаршилик тадбиркор Олимжон Абдураҳмонов хусусий корхонасида пахтадан турли кийим-кечаклар, чойшаблар, сочиқлар, чармдан оёқ кийимлари ишлаб чиқаради. Ишбилармонлик унинг қонида бор. Ярим аср муқаддам унинг бобоси қишлоққа мойжувоз келтириб, махсардан ёғ ишлаб чиқаргани ва сотгани учун қамалган. Турли азоб-уқубатларга дучор бўлган.

— Шахсий мол-мулкдан тижорат мақсадида фойдаланишни қоралаган, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилган даврлар биз учун худди эртакдек туюлади, — дейди Олимжон. — Бугун тадбиркор бўламан деган инсон борки, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бобом ўз ишини қонунийлаштираман деб қанча сарсон-саргардонликни бошдан кечирган. Мен тадбиркорлик субъекти сифатида осон ва содда шаклда — интернет тармоғи орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатга олиндим. Имтиёзли кредит асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Ўз меҳнатим билан эл-юртимизга наф келтиришга ҳаракат қилмоқдаман.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, иқтисодиётнинг локомотивига айланишида хусусий мулкка эгалик, манфаатдорлик, ташаббускорлик ва ишбилармонлик муҳити ва туйғуси пайдо бўлгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

### ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНАЁТГАН ФЕРМЕР

Ўтган йили кузда Оққўрғон томонларга йўлимиз тушиб, "Саидаброр Султон Саид" фермер хўжалигида меҳмон бўлдик. Хўжалик раҳбари Саидаброр Холсаидов билан дала айландик. Гуркираган ғўзалар лўппи ҳосилга кирган. Шу пайт фермернинг телефони жиринглаб қолди.

— Узр, дарсга чақиришяпти, — деди Саидаброр ака хижолат бўлиб. Кейин ажабланиб турганимизни кўриб, ўзи изоҳ берди: — Инглиз тилини ўрганяпман. Ғаллаю пахта етиштиришдан қилган даромадимизга чет элдан мутахассису ускуналар олиб келиб, пиллахона қураяпмиз. Хорижлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиб, келгусида яна бир нечта лойиҳаларни амалга оширмоқчимиз. Бунинг учун тил билиш жуда муҳим. Президентимизнинг қарори билан хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшларимиз учун катта имконият бўлмоқда. Биз ҳам замондан ортда қолмайлик-да.

"Темир хотин" фильмида Аломатнинг Қўчқор акага айтган гаплари ёдга тушди: "Эсингизни танибсизки, тинмай меҳнат қиласиз, лекин ҳеч бирингиз икки бўлмайди. Рўзғор, бола-чақа ташвиши, дейсиз, афсуски, бу ташвишларнинг чеки йўқ. Эрталабдан-кечгача чумолидай ғимир-ғимир қиласиз-у, роҳатини кўрмайсиз. Пахтакорман деб кўкрагингизга муштлайсиз-у, кўрпангизга пахта тополмайсиз! Кийиб олган кийимингизни қаранг, енгил саноат етиштираётган ҳамма брак маҳсулот сиз ва сизга ўхшаганларга насиб қилади. Шу иссиқда ким нейлон кўйлак кияди?.."

Шукрки, фильмда акс эттирилган собиқ тузумнинг аянчли тасвири, халқимиз тортган азоб-уқубатлар бугун катта авлод вакилларининг хотираларида, альбому кинотасмаларда қолди, холос.

Бугун ўзбек деҳқони ўз соҳасини пухта биладиган, ишбилармон фермерга айланди. Нуфузли халқаро анжуманларда кўксига "Uzbekistan" деган ёзувни ифтихор билан тақиб, иштирок этадиган бўлди. Хорижий ҳамкорларини "ўзбек модели", "ўзбек маҳсулоти", "ўзбекча технология", "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган", деган сўзлар билан ҳайратлантираётган фермер — айни мустақиллик яратган мустақил шахс, замонамизнинг илғор вакилидир.

### АЙФОН БИЛАН "ТИЛЛАШГАН" БОЛАКАЙ

Қишлоққа борганимда Юнус бобони йўқладим. Бобо жуда хурсанд бўлди. Кўк чой ичиб, гурунглашиб ўтирдик.

Юнус бобо саксон баҳорни қаршилаётган бўлишига қарамай, жисмонан бардам, руҳан тетик. Эл маъракаларига бош. Суҳбати доимгидек қизғин.

— Шу "сабзитахта"дан сенда ҳам бор экан-да, улим, — деди бобо кулиб қўлимдаги телефонга ишора қиларкан.

Мобиль телефонга разм солиб, унинг ростдан ҳам сабзитахтага ўхшашлигидан куламан.

— Топиб гапирасиз-да, бобо, — дейман.

— Яқинда Ёрмат улини уйлантирди. Тўй олдидан қўни-қўшни йиғилиб, маслаҳатлашдик. Маърака оши учун бирга сабзи тўғрадик. Ҳамсоямиз Аҳмаднинг набираси Санжар хонага бир тахлам сабзитахта кўтариб кириб, ҳашарчиларга тарқатди. Қора ойнадан ясалган "импртний"сини ёнимда қолдирибди. Энди сабзи тўғрамоқчи эдим, кичкинтой қўлимга ёпишди: "Бобо, бу — сабзитахта эмас, телефон". Ҳайтовур, ёниб ўчади, дейман. Сўнг ёнимга ўтириб, бу телефонларнинг замонавий русуми эканини айтди. Бошқаларидан имкониятлари анча баландлигини тушунтирди. Қулайлиги жуда кўп экан. У орқали шаҳардаги набирам Азамат билан бир-биримизни кўриб гаплашдик. Эй, ким ясаган бўлса ҳам барака топсин десам, Санжар ўзимизда ишлаб чиқарилганини айтди. Аммо номини айтишга тилим унчалик келишмади. Шу-шу шунақасини кўрсам, ҳазиллашиб "сабзитахта", дейман.

Мириқиб кулишдик...

Ҳа, бугун замонавий телефонлар кириб бормаган ўзбек хонадони қолмади. Эндигина эсини таниган болакайлар ҳам ундан билиб, имкониятларидан самарали фойдаланмоқда. Бу бир томондан, оилалардаги фаровонликнинг янада юксалаётгани, иккинчи томондан, фарзандларимизнинг кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб камолга етаётгани ифодасидир.

### ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

Оғайнилар водийга тўйга отландик. Йўл бўйида барпо этилган сўлим боғлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар кўзимизни қувонтирди. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини Фарғона водийси билан боғлайдиган, Евроосиё трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг бунёд этилиши — ўзи бир мўъжиза.

Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннель қурилиши нафақат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳа, айни вақтда коммуникация ва транспорт соҳасида эришган юксак тараққиётимиз даражасини ўзида яққол намоён этиб турибди. Тоғлараро ўтаётган темир излар — иқтисодиётимизнинг қон томирлари гўё. Чунки илгари поездларимиз юк ва йўловчи ташишда қўшни давлатлар ҳудудига бир кириб ўтишга мажбур бўларди-ю, ортиқча маблағ, вақт йўқотиларди. Бу қандайдир бир англашмовчилик ё режасизлик эмас, балки собиқ тузум баковулларининг атай, пухта ўйланган стратегияси "маҳсули" эди. Истиқлол туфайли мустабид тузум ғаламислик билан боғлаган ана шундай ҳалқалар парчаланди. Эндиликда янги темир излар Ўзбекистонимизни дунё океанига чиқадиган денгиз, халқаро транзит йўллари билан боғлайди.

Янгича тароват ва чирой касб этаётган шаҳарларимиз, қурилган текис ва равон йўллар, улуғвор кўпригу маҳобатли туннеллар — ҳамма-ҳаммаси улуғ орзу-мақсадларимизнинг кўркам ва жозиб кўринишлари, юртимиз саодати, заҳматкаш элимизнинг асрий умидлари, азиз фарзандларимизнинг порлоқ толеидан далолат бериб турибди. Зеро, элу юрт равнақи йўлида барпо этилган ҳар бир йўл, солинган ҳар кўприк — порлоқ келажагимиз йўли, истиқболимизга элтувчи кўприкдир.

### КЕЧАГИ КУНИМИЗ, БУГУНИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗГА ДАХЛДОР

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини атрофлича таҳлил этди. Ундаги рақамлар, кенг кўламли амалий таклиф ва мулоҳазалар, таҳлиллар нафақат кечаги кунимиз, балки бугунимиз ва келажагимизга дахлдор экани қалби шу муқаддас заминга фарзандлик ҳисси билан тўлган ҳар бир инсонни ғурурланишга, эртанги тараққиёт учун бор куч-салоҳият билан ҳисса қўшишга чорлайди.

...Ўтган йили тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

...Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлар халқаро ташкилотларнинг рейтингларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. 2015 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган Жаҳон банки "Бизнес юритиш" рейтингида Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

...Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 – 2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 – 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

...Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини якунига етказиш ва Ангрен — Поп йўналиши бўйича темир йўл қатновини йўлга қўйиш, ҳеч шубҳасиз, жорий йилнинг муҳим воқеаларидан бўлади. Бу йўлнинг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имконини яратади.

**Бу рақамлар истиқлол йилларида эришган иқтисодий-ижтимоий тараққиётимиз, халқимизнинг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан далолатдир. Уларнинг барчасига энг буюк эврилиш – онгу дунёқарашимиздаги янгиланишлар замин бўлгани шубҳасиздир.**

**Дилшод КАРИМОВ,**
***ЎзА шарҳловчиси***

**➢ Тадбир**

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши, Яшнобод тумани ҳокимлиги, туман Мудофаа ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган "Аскар оналарини шарафлаймиз" мавзусидаги тадбирда ҳарбий хизматчилар, партия фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, жойларда намунали хизмат қилаётган аскарларнинг оила аъзолари иштирок этишди.**

## Аскар оналарига эҳтиром

Учрашувда миллий армиямиз сафларида мураккаб ва масъулиятли вазифани, Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб келаётган, Ватан ҳимоясига бел боғлаган жасур, мард, забардаст юрт посбонларини вояга етказган муҳтарама онахонларга бўлган самимий ҳурмат ёрқин акс этди.

— Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган, мард, жасур фарзандларимиз Ватан олдидаги муқаддас бурчини бир дақиқа бўлса ҳам унутмасдан, садоқат ва шижоат билан хизматни ўтамоқдалар, — деди Умида Азизахунова. — Зеро, ҳар бир инсон туғилиб ўсган юртини, унинг ҳар қарич ерини ардоқлаши, ҳимоя қилиши шарт. Нуроний қарияларимиз, ота-оналарнинг дуоси, ўгити билан камол топаётган ёшларимиз Ватан олдидаги хизматларини юксак ифтихор, чексиз ғурур билан ўташга доимо тайёрдирлар.

— Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг, хусусан, Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш мазмун-моҳиятида халқимиз осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ф.Абдуллаев. — Истиқлол йиллари ҳарбий соҳада амалга оширилган улкан ислоҳотлар самараларига назар ташлар эканмиз, миллий армиямизнинг куч-қудрати ва салоҳиятига, эртанги кунимизга ишончимиз янада ортади, қалбимизда сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлигини таъминлаётган мард ва жасур ҳарбийларимиз билан ғурурланиш туйғуси жўш уради.

Учрашувда ҳарбий аскарлар оналарига партиянинг эсдалик совғалари ҳамда туман ҳокимлиги ташаккурномаси топширилди. Бадиий жамоаларнинг чиқишлари, Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
**Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби**

## Ватанга хизмат қилиш —
*олий саодат*

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон "Veteran" жангчи фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси вилоят бўлими, ҳарбий юридик йўналишдаги Урганч академик лицейи ҳамкорлигида "Ватанга хизмат қилиш — олий саодат" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган ва интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидладилар.

Тадбирда жангчи фахрий Рустамбой Болтаев бундай юксак эътиборга муносиб, она Ватанимизга содиқ бўлиш ва уни ҳимоя қилиш ёшларнинг муқаддас бурчи эканлигини қайд этди.

Машаққатли ва шарафли меҳнатлари билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган Машариф ота Саидов, Бахтиёр ота Содиқовлар ёшларга ўз ибратли ҳаёти, фаолият тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди.

— Учрашув фикрларимизни янада бойитди, — дейди ҳарбий юридик йўналишдаги Урганч академик лицейи ўқувчиси Азамат Раҳимов. — Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши биз, ёшларни маънан етук, янада қатъиятли бўлишга ундайди.

Шуни айтиш жоизки, ҳарбий юридик йўналишдаги мазкур лицей асл мардларни тарбиялайдиган таълим даргоҳи, ўсмир-ёшлар бу ерда тобланиб, мустаҳкам иродали, билимдон бўлиб камол топмоқда, Ватанга хизмат қилиш — олий саодат деган туйғу ҳар бирининг қалб амрига айланган.

Учрашувда академик лицейнинг иқтидорли ўқувчиларидан Ҳумойиддин Абдурайимов, Ҳожиакбар Абдушарипов ва Ҳурматбек Юсуповларга вилоят партия кенгашининг "Адолат белбоғи" эсдалик совғалари тақдим қилинди.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби**

**➢ Инвестиция ва самара**

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган кенг қамровли ишлар бажарилди. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида юртимизда ўзига хос қулай инвестицион муҳит шаклланди. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан-йилга юксалиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми юқори суръатларда ўсиб бормоқда.**

# Жиззах гиламлари
## *хорижда ҳам харидоргир*



"Жиззах" махсус индустриал зонасида йилига 3 минг тонна полипропилен ип, 1,2 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқаришга мўлжалланган истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Янги йил арафасида иш бошлаган "Diamond karpet" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ана шу хайрли ишнинг асосчиси бўлишди.

— Корхонамизнинг устав жамғармаси 6 миллион 440 минг АҚШ долларини ташкил этди, — дейди МЧЖ директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Ҳаёт Облоқулов. — Зарурий ускуналарни харид қилиш бўйича хорижлик ҳамкорларимиз билан музокараларни бошлаш баробарида корхона учун бино қуриш ишларини жадал суръатларда олиб бордик. Бунинг учун 300 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди. Маҳсулотнинг харидоргир бўлишида дизайн алоҳида ўрин тутади. Бугунги харидорнинг талаби нафақат сифатли, балки чиройли ва бежирим маҳсулотдир. Шу боисдан ҳар бир буюртмачининг талабидан келиб чиқиб, ўзига хос безак ва нақшлар яратиш дизайнерлардан, қолаверса, ҳар бир ишчимиздан юксак дид ва тинимсиз меҳнат талаб қилади. Бу борада тажрибали дизайнерлар билан бирга ёшларнинг кучига ва изланувчанлигига таянаяпмиз. Яратилаётган дизайнлар асосида ишлаб чиқарилаётган гиламлар харидорларимиз сонининг ортиб боришига асос бўлаяпти.

Корхона жамоасининг мақсади жаҳон бозорини рақобатбардош гилам ва гилам маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган. Бунинг учун, биринчи навбатда, асосий хомашё — гилам тўқишда ишлатиладиган ип ўта сифатли бўлиши зарур. Ана шуни назарда тутиб, 3,3 миллион АҚШ доллари эвазига Германиянинг "OERLIKON NEUMAG S+" фирмасидан энг сўнгги русумдаги ускуналар келтирилди. Мазкур дастгоҳлар бир кунда 10 тоннагача полипропилен ип ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳозирда корхонада газ конденсатидан полипропилен ип тайёрлаш ва уни бўяб чиқарадиган экологик жиҳатдан мутлақо тоза технология жорий этилди. Шу йўл билан 20 та янги иш ўрни яратилди. Диққатга сазовор томони шундаки, корхонада ишлаб чиқарилаётган ип хориждан келтирилган хомашёдан 30 фоиз арзонга тушмоқда. Бу тайёрланаётган ранг-баранг гилам ва гилам маҳсулотларининг таннархини арзонлаштириш имконини бераяпти.

Яна бир муҳим жиҳат, авваллари ип ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган полипропилен гранулалари Эрондан келтирилар эди. Эндиликда ушбу хомашёга валюта сарфлашнинг ҳожати йўқ. Негаки, Қорақалпоғистон Республикасида ишга туширилган "Устюрт" газ-кимё мажмуаси мамлакатимиздаги корхоналарни полипропилен гранулалари билан таъминлаш имконини берди. "Diamond karpet"нинг бу ҳамкорлиги янги корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини янада арзонлаштиради.

Диққатга сазовор томони шундаки, корхонада ишлаб чиқарилаётган полипропилен ипларидан минг бир жилоли гиламлар тўқилаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Бунинг учун корхона таъсисчиси бўлган "Evroasia karpet" масъулияти чекланган жамияти Бельгиядан юқори технологияга асосланган гилам тўқиш дастгоҳларини олиб келди. Замонавий дастгоҳлар синовдан муваффақиятли ўтди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, амалга оширилган ушбу лойиҳанинг бош мақсади ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулот билан таъминлашга қаратилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Жиззахда полипропилен иплардан тўқилган гиламларнинг илк туркуми ташқи бозорда муносиб баҳоланди. Хусусан, қўшни Қозоғистон Республикасига жўнатилган қиймати 600 минг АҚШ долларига тенг гилам ва гилам маҳсулотлари қисқа фурсатларда ўз харидорларини топди. Бу "Жиззах" махсус индустриал зонасида муваффақиятли амалга оширилган лойиҳанинг истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатиб турибди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
**"Adolat" мухбири,**
*Сурат муаллифи Б.ТОҒАЕВ.*

# Тадбиркорлик – тараққиётнинг муҳим таянчи

**➢Фармон ва ижро**

**Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди, унинг ишончли кафолатлари яратилди. Шунингдек, тадбиркорларга бир қанча имконият ва имтиёзларни назарда тутувчи, уларни иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаб, қўллаб-қувватловчи қонунчилик механизмлари шакллантирилди ва йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Зеро, кейинги йилларда кузатаётганимиздек, иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёс бўлмоқда.**

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолияти ҳуқуқий кафолатига, чет эл инвесторларининг эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар яратилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу қатори чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун солиқ, божхона ва бошқа соҳаларда бир қатор қулайликлар ва афзалликлар берилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу йўналишдаги ислоҳотларга катта туртки бўлди.

Мазкур фармон билан тадбиркорларни ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналишни ўз ичига олган Дастур тасдиқланди ва унда аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Фармонга асосан тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш ҳамда барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш вазифалари ўз ифодасини топган.

Мазкур фармоннинг мантиқий давоми сифатида 2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг кучга кириши тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишида давлатимизнинг долзарб вазифалардан бири сифатида ўз тасдиғини топади.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган ҳаракатлар учун жавобгарликни белгиловчи боблар киритилди.

Унда хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлар фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузиш, уларнинг фаолиятини ёки банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ноқонуний тўхтатиб қўйиш, уларни ҳомийлик тадбирларига мажбурий жалб этиш, лицензия ва рухсатномалар бериш тартибини бузиш, имтиёзларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш каби қилмишлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди. Шунингдек, тадбиркорларга нисбатан қўлланадиган маъмурий ва жиноят қонунчилиги либераллаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йилда шаҳар ва туманларда мазкур фармон ва қонун мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича назорат қилувчи органлар, тижорат банклари, рўйхатга олиш ва лицензия, рухсатномалар бериш идоралари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа идоралар масъул ходимлари иштирокида ҳудудлараро семинарлар ва учрашувлар ўтказилди.

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларини олиш механизмларини янада соддалаштириш бўйича олиб борилган сиёсатнинг яна бир далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятларни яратиш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилиб, бунда вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд «ягона дарча» хизматларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тўхтатилиши белгиланган.

2016 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» марказлари томонидан мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган 16 та йўналиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш рўйхати тасдиқланган.

Шу ўринда вазирлик томонидан мазкур қарорда белгиланган талаблар мазмун-моҳиятини батафсил тушунтириш мақсадида ўқув-амалий семинарлар ўтказилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Маълумки, Адлия вазирлигига тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлик масаласини тегишли тартибда ҳал қилиш вазифаси ҳам юклатилган.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил давомида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталинар экан, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 5279 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганини таъкидлаш жоиз.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш борасида давлат бошқарув органлари ҳамда назорат қилувчи ва ҳуқуқни мухофаза қилувчи органларга жами 84 та тақдимнома киритилди, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 22 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди ва тегишли кўрсатмалар юборилди, қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик жазо чораларини қўллаш бўйича 11 та таклиф берилди, тадбиркорлик субъектлари фойдасига 179.369.000 сўмдан ортиқ зиённи ундириш борасида 23 та ариза билан судларга мурожаат қилинди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 121 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 6 та ноқонуний қарор бекор қилинди, киритилган тақдимномаларга асосан тадбиркорлик субъектларига 1.234.000 минг сўм маблағ ихтиёрий равишда қайтарилди.

Вазирлик томонидан давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатларини тегишли маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда аниқлашда, ўрганишда ва мониторингини амалга оширишда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жойларда бўлимимиз томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида 11 та ҳолатда Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази органлари, 13 та ҳолатда Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси идораларида, 2 та ҳолатда Давлат солиқ инспекцияси органларида, 6 та ҳолатда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси органлари томонидан ноқонуний текшириш ўтказиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Ўтказилган ноқонуний (рухсатсиз) текшириш бўйича тегишли чоралар кўрилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масалалари ҳал қилинди.

Шунингдек, вазирлик томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини юритиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йил мобайнида вазирликнинг ишонч телефонига тадбиркорлардан жами 37 та мурожаатлар келиб тушиб, шундан 16 таси қаноатлантирилди ва 17 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Мурожаатларга доир 5 та тақдимнома киритилиб, уларга асосан 2 нафар шахсга интизомий жазо чораси қўлланилган ва 4.421.900 сўм ундирилди.

Масалан, Хўжайли туманида фаолият юритаётган "XUJAYLI BEK TEX SERVIS" МЧЖ директори Н.Бекниязовнинг туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисобланган солиқ миқдоридан норози бўлиб вазирликка йўллаган мурожаати ўрганилди.

Туман давлат солиқ инспекциясининг 2015 йил 17 февраль кунги 97-сонли талабномасига биноан 14 август куни корхонанинг 2012-2014 йиллар давомида топшириб келган ҳисоботларига асосан корхонага солиқлар ҳисобланиб, жами 2.989.138,22 сўм миқдорида асосий қарз ва 1.062.611,20 сўм миқдорида пеня ҳисобланган, уларни ундириш учун корхона ҳисобварағига инкассо талабномаси қўйилган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида кўрсатилган амалий ёрдам натижасида жамият томонидан ўтган йиллар учун топширилган солиқ ҳисоботлари аниқлаштирилиб, 2015 йил 21 декабрь ҳолатига қарздорлик йўқолиб, аксинча, 1.826.570,38 сўм миқдорида солиқлардан ортиқча тўлов юзага келган ва қўйилган инкассо талабномаси корхона ҳисобварағидан олиб ташланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

**Ботир ДАВКАРАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи маслаҳатчиси**

**Амнистия институти халқимизда асрлар давомида шаклланиб келган олижаноблик, бағрикенглик ва ўзаро кечиримлилик каби олий қадриятларга асосланади. Азал-азалдан халқимиз бирон қилмиш содир этган айбдор кишиларни жазолаш билан эмас, балки кечириш йўли билан ўша кишиларга руҳий-психологик ва ижтимоий жиҳатдан самарали таъсир кўрсата олишган, уларда қилган қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонлик ҳиссини уйғотишган. Зеро, мамлакатимизда жиноят қонунининг энг асосий мақсади ҳам шахсни жазолаш эмас, балки уларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.**

# Амнистия институтининг мазмун ва моҳияти

Амалдаги қонунчилигимизда амнистия институти қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эга:

биринчидан, амнистия акти маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган муайян тоифа шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварлик ифодаси бўлиб, у фақатгина давлат раҳбари тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинади;

иккинчидан, амнистия акти мазкур шахсларга нисбатан маъмурий ёки жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштириш мақсадини кўзлаган ҳолда қабул қилинади;

учинчидан, амнистия акти маъмурий ва жиноят қонуни нормаларидан фарқ қилиб, амал қилиш даврида содир этилган қилмишга нисбатан эмас, балки кучга киргунга қадар содир этилган қилмишга нисбатан қўлланилади;

тўртинчидан, амнистия акти Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилаётган (тортилган) шахсларга нисбатан қўлланилади.

Жиноят кодексининг 68, 76 ва 79-моддаларига мувофиқ, амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши;

маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши;

маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо муддатининг камайтирилиши;

маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши;

маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши;

жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланиши.

Амнистия акти юридик моҳиятига кўра, номуайян шахслар доирасига қаратилган ҳужжат бўлса-да, бироқ уни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади.

Амнистия акти ижроси юклатилган давлат органлари тизими ҳамда уларнинг ваколат доираси амнистия актида ва уни қўллашга оид низомда белгиланади.

Умуман олганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган шахсларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашда амнистия акти муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, амнистия акти умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларга, шу жумладан, умуминсоний принципларга тўла мос келади.

**Шоҳруҳ ДОНИЁРОВ,**
**Адлия вазирлиги Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси**

## Ҳуқуқий маслаҳатхона

**– Айни пайтда яшаётган уйимиз бундан 15 йил олдин қурилган. Икки марта кадастр ҳужжатларини янгилаганман. Маълумки, юридик шахс тасарруфидаги бинолар ҳар йили амортизация қилинади. Шунга кўра, мол-мулк солиғи белгиланади. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўлашда нега амортизация қилинмайди?**

*Маҳмуд Турдиев, Тошкент шаҳри*

– Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 277-моддасига асосан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сонли қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш тўғрисидаги Низом» жисмоний шахсларнинг мол-мулкини солиқ солиш мақсадида баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибини белгилайди.

Мазкур низомнинг 2-бандида жисмоний шахсларнинг мулки бўлган мол-мулкнинг қайта рўйхатдан ўтказишдан кейинги қийматини аниқлаш ишларини «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, низомнинг 11-бандида уй-жойлар ва бошқа иморатларнинг жисмоний эскиришини аниқлаш иморатни кўздан кечириш натижаларига кўра, конструктив элементларнинг жисмоний эскиришини аниқлаш усули билан амалга оширилади. Конструктив элементлар бўйича жисмоний эскириш фоизини аниқлашда баҳолаш пайтида уларнинг техник ҳолатини текшириш асосида ушбу элементларнинг эскириши фоизи белгиланади.

Турар жой биноларининг жисмоний эскирганлиги «Турар жойларнинг жисмоний эскирганлигини баҳолаш усули (ВСН53-86)»га кўра аниқланади.

Фойдаланишга топширилган санаси ва хизмат қилиш норматив муддати маълум иморатлар ва иншоотларнинг (уй-жойлардан ташқари) жисмоний эскирганлиги жадвалга мувофиқ хизмат қилиш муддатларига кўра аниқланиши кўрсатиб ўтилган.

**Саволга Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Равшан НАСИМОВ жавоб берди.**

# Янги таҳрирдаги

**➢"Адолат" шарҳи**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрда қабул қилинган 370-сонли қарорига асосан мамлакатимизда шу йилнинг 1 мартидан бошлаб бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари" амал қила бошлайди. Республикамизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўлларда содир этилаётган ҳар хил нохуш воқеаларга барҳам бериш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бермоқда.**

Соҳага таалluқли қонунлар давр талабидан келиб чиққан ҳолда янгиланиб, қатор ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдириб борилмоқда. Янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари" ҳам бу борадаги узвий ишларнинг давомидир. Унинг 15 та қўшимча ва бир қанча ўзгартишлар билан тўлдирилиб, янада мукаммаллаштирилганлиги бугунги кун талабларига тўла жавоб беришини кўрсатиб турибди.

Янги қоидаларда айрим атамалар ҳамда тушунчалар таърифи аниқлаштирилди. Буни мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари тақозо этмоқда. Масалан, амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"да "мотоцикл" атамаси кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси саналган. Аслаҳаланган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ғилдиракли механик транспорт воситалари ҳам мотоциклларга тенглаштирилади, деб изоҳ берилган. Бундай қараш эндиликда давр талабига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Чунки кейинги йилларда техника жадал тараққий этиб бормоқда. Автомагистралларимизда, машиналар билан гавжум йўлларимизда "мотоцикл" атамаси билан айтилмайдиган, аммо айнан шу туркумга мансуб бўлган икки, уч ва тўрт ғилдиракли механик транспорт воситалари, яъни замонавий квадроцикллар, скутер ва электроскутерлар кўпайиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун эса амалдаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш тақозо этилар эди. Ўзида қатор янгиликларни акс эттирган янги таҳрирдаги қоидаларда "мотоцикл" тушунчаси кенгайтирилиб, двигатель иш ҳажми 50 $см^3$ дан юқори, тезлиги 50 километр соатдан ортиқ скутер, электроскутер ва квадроциклларнинг шу атамага киритилиши қатъий белгилаб қўйилди. Эндиликда санаб ўтилган транспорт воситалари мотоцикл сифатида рўйхатга олинади ва уларга давлат рақам белгилари берилади. Бундай турдаги транспорт воситасини бошқарадиган ҳайдовчилар "А" тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт. Акс ҳолда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига асосан чора кўрилади.



Бугунги кунда транспорт воситаларида ташилаётган йўловчилар, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб вазифага айланиб бормоқда. Шу сабабли "Йўл ҳаракати қоидалари"га "Болалар гуруҳини ташкилий ташиш" атамаси киритилди. Унга кўра, 8 нафар ва ундан ортиқ бўлган болаларни автобусда ташиш (йўналишли транспорт воситалари бундан мустасно) болаларни ташкилий ташиш эканлиги белгилаб қўйилди. Ўйлаймизки, бу янгилик болаларни ташиш ишларини ташкиллаштираётган мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, "Меҳрибонлик" уйлари раҳбарлари, шу жумладан, соҳамиз вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятимизга кенг жорий этиб борилаётганлиги туфайли туб ўзгаришларга эришилмоқда. Бундан беш йил аввал тизимда ҳуқуқбузарликларни автоматик тарзда аниқлаш амалиёти йўлга қўйилган эди. Янгилик ўз самарасини берди. Йўл ҳаракати доирасидаги ҳуқуқбузарликлар камайди. Янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"да "Фото ва видео қайд этиш" иборалари пайдо бўлди. Шу билан биргаликда ҳайдовчиларни огоҳлантирувчи "Фото ва видео қайд этиш" ахборот-ишора белгиси жорий этилди. Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида Тошкент шаҳрида замонавий ахборот-коммуникация технологияларига эга бўлган компьютерлаштирилган бошқарув тизими жорий этилмоқда. Бу тизим ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда, ижобий натижалар салмоғини оширишда муҳим омилга айланади.

# My.gov.uz: қулай, тезкор ва ишончли

**➢"Электрон ҳукумат" тамойили амалда**

**Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонларидан бири, шубҳасиз, фуқароларнинг давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиши учун имконият яратилганида ифодаланади. Зеро, Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасидаги давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлигига оид меъёр Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсатини аниқ ва яққол кўрсатиб туради.**

Истиқлол йилларида халқ ва давлат ҳокимиятининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзаро муносабатни яқинлаштириш мақсадида давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларига қаратилаётган эътиборни кучайтириш, аҳолининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти юзасидан ахборот олишига оид ташкилий-ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди, бир сўз билан айтганда, замон талабига мослаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2013 йил 1 июлда Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг ишга туширилиши ҳам аҳолининг давлат органларига электрон шаклда мурожаатлар, сўровларни йўллаш ва уларга тегишли тартибда ўз вақтида жавоб олиш механизмини сифат ва самарадорлик жиҳатидан юқори даражага олиб чиқишга хизмат қилди.

Зотан, Ягона интерактив хизматлар портали — www.my.gov.uzнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеграцияланган интерактив давлат хизматларидан, шу жумладан, пуллик асосда фойдаланишнинг ягона нуқтаси орқали сўровларни расмийлаштириш имкониятини тақдим этиш ҳисобланади.




"Элетрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази мутахассислари берган маълумотга кўра, 2013 йилда ўз фаолиятини тест режимида бошлаган Ягона порталда дастлабки пайтларда 40 га яқин интерактив хизматлар тақдим этилган бўлса, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра интерактив давлат хизматларининг сони 260 тадан ортган.

— Ягона интерактив хизматлар портали орқали бугунги кунда 600 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун 20 дан зиёд йўналишларда 260 дан ортиқ турдаги интерактив хизматлар кўрсатилмоқда, — дейди "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази бош мутахассиси Қобилжон Ғойипов. — Қолаверса, тадбиркорлик субъектларига молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш, тегишли маълумотномаларни олиш, тадбиркорлик фаолиятига тегишли янгилик, ўзгаришлар ҳақида тезкор маълумотлардан хабардор бўлиш имкониятини тақдим этувчи "тадбиркорлик субъектининг кабинети" механизмининг жорий этилиши кичик бизнес вакилларига қулайлик туғдирмоқда. 2015 йил 1 январдан бошлаб, порталда тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири кенг жамоатчилик, соҳа мутахассислари, тадбиркорлар томонидан баҳоланиши ва муҳокама қилиниши мақсадида жойлаштирилмоқда. Бугунги кунга қадар 270 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари портал фойдаланувчилари томонидан фаол муҳокама қилинмоқда.

Ўтган йилнинг энг муҳим янгиликлари сифатида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи, парваришга муҳтож ёлғиз кекса ва ногиронларга хонадонларида ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун электрон ариза юбориш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронларни "Саховат" ва "Мурувват" уйларига расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар рўйхатини электрон тарзда йўллаш имкониятини берувчи интерактив давлат хизматларининг татбиқ этилишини айтиш мумкин. Бундай хизматлар айрим сабабларга кўра қаровчиси йўқ, ёлғиз, ижтимоий муҳофазага муҳтож кексаларимизнинг мушкулини енгиллаштиргани аниқ.

Умуман олганда, порталнинг бош саҳифасида жойлаштирилган маълумотларга эътибор қаратар экансиз, унда фойдаланувчиларнинг порталга, унда жорий этилган интерактив хизматларнинг сифати, амалга киритилган янгилик, ўзгаришларга оид фикр-мулоҳазаларига ҳам кўзингиз тушади.

— Мен портал орқали Иқтисодиёт вазирлигига онамнинг нафақа пулини нақд пул шаклида беришларини илтимос қилиб мурожаат қилгандим. — дейилади фуқаро О.Қодиров мулоҳазасида. — Ҳозирда кўрилган чора-тадбирдан хурсандман. Мурожаатим ижобий ҳал этилди. Тўғрисини айтганда, ўзим хизмат сафарида бўлганлигим боис бу муаммони кимлар ҳал қилиб берганидан бехабарман. Шундай бўлса-да, кекса онамнинг муаммосини ҳал қилиб берганингиз учун барчангиздан миннатдорман.

Энди бевосита порталга қилинган мурожаатларга оид айрим факт ва рақамларга тўхталсак. 2015 йил якунига қадар Ягона порталга 391 881 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг қарийб 233 696 таси, яъни 60 фоизи юридик шахслардан, 158 185 таси ёки 40 фоизи жисмоний шахслардан. Шунингдек, 25 360 та мурожаат портал ташаббуси билан ташкил этилган Call-centerга қилинган қўнғироқ асосида қабул қилинган. "Ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли контрактлар (шартномалар) маълумотларини Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритиш", "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун онлайн ариза тақдим этиш" ҳамда "Судланганлик (ёки судланмаганлик) тўғрисидаги маълумотномаларни бериш" энг оммабоп интерактив хизматлар сирасига кирмоқда.

Мутахассислар берган маълумотларга кўра, 2016 йилда порталнинг янги талқини ишлаб чиқилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, жорий йилда давлат хизматлари шакллари ва бланкалари ягона реестрига киритилган хизматларни Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг барча хизматларига бирлаштириш лойиҳаси ҳам муҳокама қилинмоқда.

**"Адолат" СДП мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) юқори даражада жорий этилган илғор мамлакатлар қаторига кириши лозим, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан партия бундан кейин ҳам АКТни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тарафдори бўлиб қолаверади. Биз фуқароларга интерфаол давлат хизмати кўрсатиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратамиз.**

(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

Бир сўз билан айтганда, юридик ва жисмоний шахслар сутканинг исталган вақтида маълумот алмашиниш имкониятини тақдим этувчи лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Демак, хулоса шуки, "Электрон ҳукумат" давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги таъминланишига, уларнинг аҳоли билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

**Саодат СОДИҚОВА,**
**«Adolat» мухбири**

# «Йўл ҳаракати қоидалари»

## бугунги кун талабларига ҳамоҳанг




Янги қоидалар ҳайдовчилар зиммасига қатор мажбуриятларни юкламоқда. Жумладан, ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни ҳаракат вақтида танани (қўлни чиқариш бунга кирмайди) автомобиль салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириши шарт. Худди шу талаб қоидаларнинг йўловчиларга тегишли 24-бандига киритилди. Бунга кейинги пайтда тўй маросимларини видеотасвирга олиш жараёнида шундай ҳолатларнинг кўпайиб бораётганлиги ва улар турли нохуш оқибатларга олиб келаётганлиги сабаб бўлди. Бундан ташқари, қоидаларда белгилаб қўйилганидек, бундан буён ҳар бир ҳайдовчи йўлга чиқишидан олдин автомашинадаги йўловчиларни хавфсизлик камарини тақиб олиши ҳақида огоҳлантириши зарур.

Мазкур қоидаларга асосан ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни яхшилашга хизмат қилувчи яна бир янгилик жорий этилмоқда. Маълумки, куннинг қоронғи вақтларида, айниқса, ёритилмаган жойларда транспорт воситаси бирор-бир сабаб билан, масалан, носозлик туфайли тўхтаб қолиши мумкин. Шундай пайтда ҳайдовчи машинасини таъмирлаш учун ташқарига чиқади. Бу билан хавфли ҳолат юзага келади. Йўлдан ўтаётган транспорт воситаларининг эгалари таъмирлаш ишлари билан шуғулланаётган ҳайдовчини кўрмай қолиши мумкин. Оқибатда кўнгилсиз воқеа содир бўлади. Шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида янги қоидаларда тунги вақтларда ҳайдовчиларга нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юклатилди. Эндиликда ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қутичаси, ўт ўчириш воситаси, мажбурий тўхтаганини билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши шарт.

Янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"да автомашиналарнинг ҳаракатланиш тезлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Турар жой даҳаларида транспорт ҳаракатини тартибга солиш чоралари кўрилган. Унга кўра, кўп қаватли уйлар орасида юқори тезликнинг соатига 30 километр қилиб белгиланганлиги аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

Содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларига пиёдалар ҳам сабабчи бўлаётганидан бугунги кунда асло кўз юмиб бўлмайди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш ва унинг олдини олиш учун янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 19-бандида пиёдаларга йўлда юрганда, пиёдалар учун ажратилган жойлардан ўтаётганда хаёлни чалғитувчи нарсалардан, жумладан, телефон, планшетлардан фойдаланиш, видео кўриш, газета, журнал ва китоб ўқиш ман этилди.

Кўпгина мамлакатларда транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам яқинни кўрсатувчи чироқларини ёқиб юради. Бу, албатта, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда кўпчиликка қўл келади. Куннинг ёруғ вақтида чироқларини ёқиб юрган транспорт воситаси, аввало, кўпчилик эътиборини тортади. Бу ҳолат янги таҳрирдаги қоидаларнинг 138-бандида ўз ифодасини топди. Унда ташкилий равишда одам олиб кетаётган, йўловчиларни ташиётган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедларнинг яқинни ёритувчи чироқлари куннинг ёруғ пайтида ҳам ёқиб юрилиши кўрсатиб ўтилди. Янгилик, аввало, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтиришга ёрдам беради.

Бугун ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун неча ёшдан ўқиш мумкинлиги ҳақидаги масала кўпчиликни қизиқтиришига шубҳа йўқ. Янги қоидаларда ушбу саволга жавоб ҳам ўз ифодасини топган. Унинг транспорт воситалари бошқарувчиларининг ёшини белгиловчи 149-банди ҳайдовчиларни тайёрлаш тўғрисидаги Низом талабларига мос равишда янги таҳрирда берилди. Унга асосан "А" тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 16 ёш, "В" ва "С" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 18 ёш, "Д" ва трамвай, троллейбусни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, янги қабул қилинган қоидалар юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларига ҳамоҳангдир. У йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Мазкур қоидалардаги ҳар бир банднинг сўзсиз бажарилиши йўлларимизда хавфсиз ҳаракатланишни юзага келтириб, одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилишни таъминлайди.

**Мансуржон РИХСИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ катта инспектори, подполковник**

Reklama

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

## 6-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

**2016 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

ЛОТ - 2

**Лот 2-1. «Бухоро вилояти, Ромитан ва Ғиждувон туманларидаги «Шимолий» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (57,369 км)»**

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
**550 907 294 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати — **8 ой.**

**Лот 2-2. «Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги «Ғарбий Қоракўл» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (127,348 км)»**

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
**859 571 700 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати — **11 ой.**

**Лот 2-3. «Бухоро вилояти, Когон туманидаги «Туткунда» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (26,170 км)»**

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
**227 497 325 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати — **5 ой.**

ЛОТ - 3

**Лот 3-1. «Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги «Харгўш» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (49,269 км)»**

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
**353 189 489 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати — **7 ой.**

**Лот 3-2. «Бухоро вилояти, Жондор туманидаги «Оғар» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (45,894 км)»**

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
**475 823 841 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати — **7 ой.**

**Лот 3-3. «Бухоро вилояти, Когон туманидаги «Кўржон» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (17,152 км)»**

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
**173 112 376 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати — **5 ой.**

**Қурилиш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 35% ни ташкил қилади.*

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** 6-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

**Манзили:** *Бухоро шаҳри, Ширбуддин кўчаси, 12-уй.*
*Тел: (8-365) 225-15-40, факс: 225-24-53.*

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: *Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.*

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.

***Изоҳ: Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.***

ЭЪЛОН

"Ипотека банк" АТИБ Сергели филиалига тегишли аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган қатъий ҳисобда турувчи 5 дона IPВ 1907076-1907080 рақамли 0402005 (ф-430) шакл бланклари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

# Кичик бизнесга катта сармоялар

**Молия муассасаларида**

**Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг муҳим қисми бу — мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда асосий куч саналмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий, молиявий қўллаб-қувватлаш ва шу орқали ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги ҳиссаси, салмоғи кун сайин ошиб бормоқда.**

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада катта имкониятларни яратди.

«Асака» банкнинг Сергели филиали мижозларга, хусусан, кичик бизнес субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида турли замонавий, инновацион банк хизматларини кўрсатмоқда. Бу қулайликлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорликка кириб келаётган ёшлар, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг имконият эшикларини очиш, энг аввало, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминламоқда.

Банк филиали кредит портфели ҳажми 2016 йил 1 январь ҳолатига 133,8 миллиард сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

2015 йилда «Асака» банкнинг Сергели филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 90,1 миллиард сўмлик кредит маблағларини йўналтирди. Бу маблағлар Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий инфратузилмасини юксалтиришга хизмат қилиши ва қолаверса, мамлакат куч-қудратини оширишга муносиб улуш бўлиб қўшилиш баробарида ушбу сармоялар эвазига қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 19,8 миллиард сўм, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий нооозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 4,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш жабҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди.

Шунингдек, банк филиали томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,4 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, «Асака» банкнинг Сергели филиали томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини фаровонлаштиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, банк кўмагида аҳолида тадбиркорлик қобилияти шаклланиб, кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун хизмат қилиш эса банк жамоасининг доимий эътиборида турибди.



**Эркин ХОДЖИБАЕВ,**
**«FAYZ FOUNDATION»**
**масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

*— Истиқлол йилларида биз, тадбиркорларга иш фаолиятимизни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Шу боис мен ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб, муваффақиятларга эришдим. Бунда, албатта, «Асака» банк жамоасининг ёрдами катта бўлганини таъкидлаб ўтишим жоиздир. Корхонамиз қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида молиявий кўмак сўраб, «Асака» банкнинг Сергели филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, ижобий ҳал этиб беришди. «Асака» банкнинг молиявий кўмагида лизинг асосида замонавий, кам электр энергияси сарфлайдиган, юқори қувватга эга ускуналар сотиб олдик. Бу эса корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтиришга ва ички бозорни юқори сифатли қандолат маҳсулотлари билан таъминлашга имкон яратди. Корхонамиз маҳсулотларига бугунги кунда қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар кўпайиб бормоқда. Банк кредити натижасида 40 та янги иш ўринлари яратилиб, бунда асосан Тошкент шаҳри ва вилоятидаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар меҳнат қилмоқдалар.*

*Келгусида корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда республикамиз экспорт салоҳиятини янада оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунда бизни, албатта, «Асака» банк қўллаб-қувватлашига ишонамиз.*

Reklama o'rnida





**Равшан ТОЛИПОВ,**
**«Toshkent Rizq Baraka» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

*— Республикамизда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Иқтисодиётимизнинг бир меъёрда ўсиб, мамлакатимиз бозорлари турли маҳсулотлар ва хизматлар билан бойиб бораётганлиги ҳамда аҳолимизнинг турмуш фаровонлиги кундан-кунга ошаётганлиги бунинг яққол исботидир. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорларга маҳсулотлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ниҳоятда кучли рақобатни кузатишимиз мумкин. Айниқса, жадал суръатларда ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг негизига айланиб бормоқда.*



*Биз ҳам мазкур соҳа орқали фаолият юритиб, иқтисодиётимиз ривожига кўмаклашиш, аҳоли ва ишбилармонларнинг шу соҳадаги эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида «Toshkent Rizq Baraka» МЧЖни ташкил этдик. Ҳисоб рақамимизни «Асака» банкнинг Сергели филиалида очиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик. Корхонамиз ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади.*

*Корхонамиз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бизнес-режа туздик. Бизнес-режани амалга ошириш учун «Асака» банкка мурожаат этдик. Банк томонидан бизнинг бизнес-режамиз истиқболли деб топилиб, қисқа муддатда корхонамизга кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилинди.*

*Банкдан олинган кредит ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баравар оширишга эришдик. Шу билан бирга, янги лойиҳамиз натижасида 5 та янги иш ўрни яратилиб, шунча касб-ҳунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланди.*

*Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги ва бозорбоп нархларда сотилаётганлиги сабабли харидорларимиз сафи кундан-кун ошиб бормоқда.*

*Биз «Асака» банкда ҳисоб рақамимизни очиб янглишмаганлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик ва «Асака» банк хизматларидан миннатдормиз.*

**Санжар ҲАСАНОВ,**
**"DIYORA FAYZ GULSHANI"**
**масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

*— Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, элимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришни мақсад қилдик. Мақсадимизни амалга ошириш учун «Асака» банкка мурожаат этдик. Банк мутахассислари биз тақдим этган бизнес-режани кўриб чиқиб, қисқа муддатда кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилинди. Банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига 93 бош қорамол сотиб олдик. Ҳозирги пайтда хўжалигимиздаги қорамоллар сони 120 бошга етди. Шунингдек, банк кредити эвазига 8 та янги иш ўрни яратилди.*



*«Асака» банк жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ва беғараз маслаҳатларидан миннатдормиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.*

Xizmatlar litsenziyalangan

**Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,**
**"Adolat" мухбири**

**Муносабат**

# "Ватанни сев, тупроғини ўп..."

**Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган "Қиёматга қолган қарз" кўрсатувини томоша қилаётиб, кўпчиликнинг дилидан шундай фикрлар кечгани бор гап. Мен ҳам мана шу муқаддас юртнинг фарзанди сифатида кўнглимдан ўтган фикрларни бaралла айтмаслигимнинг, ёзмаслигимнинг иложини топа олмадим.**

**Назаримда, бу дунёда киндик қони тўкилган, ўзини парваришлаб, вояга етказган, ўқитган, таълим-тарбия берган муқаддас Ватанига нисбатан хиёнатдан ортиқроқ манфур жиноят бўлмаса керак!**

Бундай нонкўрликни онгшуур билан англаб, қалб билан тушуниб бўлмайди, ахир! Бу сени дунёга келтирган, кўкрак сути билан боққан волидангнинг кўксига ханжар уриш билан баробар-ку!..

Ҳушёр бўлайлик, одамлар! Ҳушёрроқ бўлайлик, тенгдошлар! Зеро, агар эътибор берган бўлсангиз, бундай риё домига тушиб қолган, алданганларнинг аксарияти сиз-у бизнинг тенгдошларимиз.

Тўғри, ёшлар ишонувчанроқ бўлишади. Шу сабабли бу дунёда неки қора, фитнакор кучлар бор, уларнинг ҳаммаси, энг аввало, айнан аҳолининг ҳали тўла балоғатга етиб улгурмаган қатламини нишонга олади. Бироқ, унутмайлик, ёшлигимиз бизга ҳеч қандай имтиёз бермайди. Аксинча, Ватанимизнинг эртанги буюк келажагини айнан бизлар қурамиз. Демак, биз атрофга янада ҳушёр қарашимиз, сергак ҳаёт тарзини кўникмага айлантиришимиз, энг муҳими эса, мана шу жаннатмонанд, тинчлик ва барқарорлик, фаровонлик барқарор юртимизнинг қадрига етишимиз шарт!

Агар эътибор берган бўлсангиз, кўрсатувда олий таълим муассасида давлат гранти асосида таълим олган ака-уканинг хорижга, жангарилар сафига кетганлигини кўрсатишди. Бу нима деган гап, ахир! Давлат бу икки талабани катта маблағ сарфлаб тўрт йил ўқитса, уларни етук мутахассис этиб тайёрласа-ю, энди улар ўз ҳалол меҳнатлари, билимлари билан халқимиз, жамиятимиз олдидаги қарзларини қайтариш, элимиз фаровонлигини ошириш ўрнига газандалар уясига бориб олишса! Бегуноҳ болаларга, оналарга қарши қурол ўқталишса, уларни отишса!.. Соддасини содда десак, ўқиган-тушунган, олий маълумотли, зиёли йигитларнинг мана шундай йўл тутишига ақл бовар қилмайди. Аммо ҳаётда шундай воқеалар содир бўлмоқда. Жоҳил, мутаассиб кимсаларнинг, мақсади вайронагарчилик, бошбошдоқлик бўлган гуруҳларнинг тўрига тушган бундай каслар (уларни одам, инсон дейишга тил бормайди!) ўзларининг жаҳолат ботқоқларига ботганликлари билан кифояланмай, энди содда таниш-билишларини, ҳаттоки ёш-ёш қизларни ҳам ўз ёнларига чақирмоқдалар, даъват этмоқдалар! Ҳа, бир нодон сўқирдан "Ниятингни айт" дейишганида, "Дунёда ҳамма одамнинг кўзлари ожиз бўлсин", деган қабиҳ тилагини тилга олгани рост, шекилли...

Ишонч билан айта оламан, бу кўрсатув жуда кўпларнинг, қари-ёшнинг кўзини очди, ҳаммамизни яна бир бор ҳушёрликка чорлади. Ҳали пана-пастқамда, кунжакларда яшириниб юрган қора кучларнинг сароб ваъдаларига учаётган кимсалар шундоқ ёнимизда яшаб юрганлигига иқрор бўлдик. Балки у менинг қўшнимдир, балки у сизнинг танишингиздир...

Кўрсатувни изтироб билан кўрарканман, қалбимда бундай ватангадоларга нисбатан нафрат тобора кучая борди. Ишончим комил, элим, юртим деб яшаётган ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир ёш йигит-қизнинг кўнглида мана шундай туйғулар уйғонган.

Мен беихтиёр Юртбошимизнинг биз, ёшларга қарата айтган самимий, серҳикмат ўгитларини эсладим: "Ўз ақл-заковатингиз, билим ва тафаккурингиз, куч-ғайратингизга, тоғдек таянчингиз — буюк Ватанимизга суяниб, маррани катта олинг, азиз фарзандларим!»

Ҳа, бугун бутун халқимиз, энг аввало, биз ёшлар суянадиган, ишонадиган буюк Ватанимиз бор. Шундай экан, уч-тўртта ватангадо, мутаассиб ва жоҳил кимсалар асло бизни танлаган йўлимиздан қайтара олмайди! Ҳеч қачон!

Айни пайтда бундай аянчли воқеликлар биздан яна бир бор ҳушёрлик ва сергаклик талаб қилишини асло унутмаслигимиз лозим. Зеро, ўз уйимизни, ўз Ватанимизни биз ўзимиз қўриқлаймиз! Шоир айтганидек, *«Ватанни сев, тупроғини ўп, ҳар қаричи муқаддас бизга...»*

**Зарнигор ҲАЙБУЛЛАЕВА,**
**Учтепа туманидаги**
**78-мактаб ўқувчиси**

# Иқтидорли спортчиларга

## "Адолат" СДП стипендиялари

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши ўтказган анжуманда 2015 йилдаги фаолият якунлари кўриб чиқилди. Маҳаллий партия ташкилотлари, БПТ, қолаверса, фаолларнинг энг яхши иш тажрибалари умумлаштирилди. Албатта, сафдошларимиз турли жабҳаларда қўлга киритган муваффақиятлар ҳам тилга олинди.**



Жумладан, кейинги пайтда партияга ҳар жиҳатдан иқтидорли, нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсида ҳам танилган инсонлар аъзо бўлишаётгани алоҳида таъкидланди. Улар орасида Ватанимиз байроғини халқаро мусобақаларда баланд кўтаришга қодир спортчилар борлиги диққатга сазовордир. Ана шулардан бири Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежининг битирувчиси Кумуш Хўжаевадир.

— Мен бир неча йилдан бери дзюдо, самбо ва миллий кураш билан шуғулланиб келаман, — дейди у. — Мамлакат бўйича ҳамда халқаро миқёслардаги мусобақаларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдаман. Ҳозиргача турли беллашувларда жами йигирмата медални қўлга киритган бўлсам, шуларнинг ўн иккитаси олтин медаллардир.

2015 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Яқинда дзюдо бўйича спорт устаси унвони меъёрларини ҳам бажардим. Мақсадим — келгусида маҳоратимни янада чархлаб бориш ва Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш.

— Кумушхоннинг спортдаги, жамоатчилик фаолиятидаги ютуқлари "Адолат" СДПнинг ҳар бир аъзосини қувонтирмай қўймайди, деб ўйлайман, — деди партиямиз фаоли Рустамжон Сулаймонов. — Шу боис биз ҳозир бир қатор касбдошларимиз билан маслаҳатлашиб, ёш сафдошимизга бир йил давомида ойма-ой бериб бориладиган стипендия тайинлашга қарор қилдик.

Тўпланганлар партиядошимиз Рустамжон Сулаймонов ва унинг ҳамкасблари ҳимматини ҳам қўллаб-қувватладилар.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу куни анжуман иштирокчилари яна бир сафдошимиз, Наманган муҳандислик педагогика институтининг талабаси, каратэ бўйича қатор халқаро мусобақалар ғолиби Сарвар Муродиллаевни ҳам янги ютуқ билан кутладилар. У декабрь ойида Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган Малайзия очиқ чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Мазкур мусобақада дунёдаги 24 мамлакатдан беш юзга яқин спортчи қатнашганлигини ҳисобга олсак, беллашувларнинг миқёси нақадар катталиги аён бўлади.

Яна бир партиядошимиз — Наманган туманидаги вилоят руҳий-асаб касалликлари шифохонаси бош врачи, БПТ раиси Сайфиддин Мамадалиев ўз мулоҳазаларини баён қилди.

— Аввало, сафдошимиз Рустамжон Сулаймоновнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз, — деди С.Мамадалиев. — Биз ҳаммамиз иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Шунинг учун бошланғич ташкилотимиз Сарвар Муродиллаевга ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олади. Биз ҳам спортчи партиядошимизга ойма-ой бериладиган стипендия таъсис этамиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Сайфиддин Мамадалиев вилоят бўйича энг йирик бошланғич партия ташкилотларидан бирига етакчилик қилади. Мазкур БПТнинг тўрт юз нафардан зиёд аъзоси бор. Улар ҳам ўз сафдошларининг мулоҳазаларини қўллаб-қувватлашлари турган гап.

Хуллас, шу куни ҳар икки партиядошимизга "Адолат" СДП номидан стипендиялар таъсис этилди. Бунга жавобан Кумуш Хўжаева ва Сарвар Муродиллаев ўқишда, спортда ва жамоатчилик фаолиятидаги ютуқларни янада кўпайтиришга ваъда бердилар.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«Adolat» мухбири**


**МУАССИС:**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — **288-46-54** (149); Котибият — **288-42-14** (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — **288-42-12** (146);
Қабулхона — **288-42-23**; **288-42-12** (141) факс;
Реклама бўлими — **233-41-89.**
**Навбатчи муҳаррир** — Илёс Сахатов
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 100. Адади — 11723
Босишга топшириш вақти — 20.40
Босишга топширилди — 21.20
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5